Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

10 сентябрь 1971 йил, жума • № 209 (15.079). • Баҳоси 2 тийин.

ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИ

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Гагарин районидаги Абдулла Набиев номли совхоз пахтакорлари 4 минг гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Совхоз механизаторлари 3 минг гектар майдоннинг ҳосилини машиналарда териб олишга ахд қилганлар. Бу йил пахта далаларида 50 та терим агрегати жавлон уради. Совхозда терим машиналарининг дастлабки группаси пахтазорга йўл олди. Суратларда: [чапдан ўнгга] Совхоз пахтазорларида машина терими авжига чиққан. Моҳир механик ҳайдовчи Б. Нуралиев бу йил «Ўзбекистон» терим агрегатини бошқармоқда. У бу янги машина билан кунига 13-14 тоннадан дурдона термоқда.

А. Тўраев фотолари.

МУҚАДДАС, ДАХЛСИЗ

Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар меҳнати билан яратилган бойликларнинг ҳаммаси бизда халқнинг танҳо ўзиникидир. Совет кишиларининг жамоат мулкига муносабати шу билан белгиланади. Совет тузумининг иқтисодий негизи бўлган социалистик мулк бизнинг жамиятимизда муқаддас ва дахлсиз.

Халқ мулкини авайлаб сақлашга ва тинмай кўпайтиришга онгли равишда интилиш коммунистик фазилатдир. «Коммунизм оддий ишчиларнинг меҳнат унумини орттириш тўғрисида, ғалла, кўмир, темир ва бошқа маҳсулотлар шахсан ишловчиларга ва уларнинг «яқинлари»га эмас, балки «бегоналар»га, яъни умуман бутун жамиятга тегадиган шу маҳсулотларнинг ҳар бир пудини асраш тўғрисида фидокорона ғамхўрликлари пайдо бўлган жойда бошланади...», деб Владимир Ильич Ленин айтган сўзлар мамлакатимиз меҳнаткашларини руҳлантириб турибди.

Бундай ғамхўрлик ҳар бир совет кишиси хатти-харакатининг мустаҳкам нормаси, аҳлоқий принципи бўлиб колиши учун партия ҳамма чораларни кўрмоқда. КПСС XXIV съезди қайд қилиб ўтганидек, кишиларни меҳнатга ва жамоат мулкига коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш — гоявий-сиёсий ишнинг жуда муҳим таркибий қисмидир.

Халқ хўжалигида тежамкорлик учун бошланган ва тўққизинчи беш йилликдан бошлаб тобора кенгайиб бораётган оммавий ҳаракат интимоий мулкка янгича, коммунистик муносабатда бўлишга асосланади. Саноат ходимлари партия съезди қўйган вазифаларни шараф билан бажаришга — хом ашё ва материаллардан яхшироқ фойдаланишни, қора металлар прокатини 18-20 процент тежашни, ёқилғи, электр энергия, химиявий материалларни, ёғоч ва бошқа материалларни сарфлаш нормаларини 7-10 процент камайтиришни таъминлашга жуда маҳкам бел боғладилар. КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида, мусобақа меҳнаткашларни хом ашё ва моддий ресурслардан рационал фойдаланишга ва уларни тежашга сафарбар қилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Мусобақада қатнашаётган миллионларнинг жанговар шиори бўлиб қолган тежамкорлик салмоқдор натижалар бермоқда. Чунончи, биргина Ростов области корхоналарининг ўзида кейинги уч йил ичида 53 миллион сўмдан кўпроқ маблағ тежалди. Украина, Кубань, Ставрополь, Сибирь, Қозоғистон ва бошқа районларнинг илғор ғаллакорлари Ватаннинг буюк бойлиги бўлган ғалланинг битта ҳам донини қолдирмай батамом йиғиштириб олиш ва янги ҳосилни сақлаб қолиш учун жуда кўп куч ва ғайрат сарфлямоқдалар.

Бизнинг социалистик жамиятимиз энг тежамкор жамиятдир, бу жамиятда меҳнат ва унинг самаралари юксак даражада қадрланади, бу жамиятда ҳар қандай исрофгарчилик ҳаётнинг бутун моҳиятига зиддир. Жамоат мулкини муқаддас билиб асраш — маблағлар ва моддий ресурслари сарфлашда хўжасизликка, исрофгарчиликка қарши актив курашиш демандир. Биз бу ишда хусусий мулкчилик одатлари ва психологиясининг кўринишларига тоқат қилиб қараб туролмаймиз, бундай ҳоллар халқ мулкига менсимаслик билан, ҳаттоки ғаразгўйлик билан муносабатда бўлиш тарзида ўзини кўрсатмоқда. Баъзи корхоналар, бир қанча колхозлар ва совхозларда, савдо тармоқларида моддий бойликлар ва маҳсулотларни талон-торож қилиш ва бузиш фактларига, айрим шахсларнинг давлат ҳисобидан бойиб қолишга уринишларига кўпинча панжа орасидан қаралмоқдаки, бунга тоқат қилиб бўлмайди.

Хўжасизликка қарши кураш юксак принципиалликни, сира юзхотир қилмай талабчан бўлишни партия ташкилотларидан ва бутун жамоатчилигимиздан талаб қилади. Худди мана шу муҳим ишда баъзи партия ташкилотларида кўпинча принципиаллик етишмаётир. Масалан, Рига вагонсозлик заводининг парткоми социалистик мулкни сақлашга раҳбар ходимларнинг масъулиятсизлик билан қараганликларига нисбатан тўғри партиявий баҳо беролмади. Натижада давлатга катта моддий зарар етказилди. Бу масалада СССР Олий энергетика ва транспорт машинасозлиги министрлигидаги ва Йўллар министрлигидаги тегишли бош бошқармаларнинг раҳбар ходимлари ҳам аралашмаслик позициясига ўтиб олдилар.

Партия ташкилотлари ҳар бир коллективда социалистик мулкни қадрламаётган, уни муҳофаза қилишга бепарволик билан қараётган шахсларга нисбатан муросасиз бўлиш вазиятини вужудга келтиришлари керак. Жамоат мулкига қасд қилганларни совет қонуни қаттиқ жазолайди. Исрофчиларга ва талон-торож қилувчиларга ўзининг бепарволиги билан йўл қўйиб бераётган одамлар ҳам жазосиз қолиши мумкин эмас. Танқид ва ўз-ўзини танқид қуроли, жамоатчилик фикрининг кучи барча ходимларни моддий бойликларни сақлаб қолиш учун юксак масъулият руҳида тарбиялашга қаратилиши лозим. Шу бойликлар ишониб топшириб қўйиладиган кадрларни тўғри танлаш катта аҳамиятга эга.

Майда ўғирликлар деб аталган касала баъзи корхоналарда ва хўжаликларда алоҳида кескин тус олмоқда. «Правда»нинг кўпгина газетхонлари, мана шундай ножўя ҳаракатларни кўриб туриб айрим хўжалик раҳбарларининг кўнгилчаллик қилаётганлиги баъзан шундай ҳаракатларга тўғридан-тўғри йўл қўйиб беришга айланиб кетмоқда, жамоат ташкилотлари эса четдан қараб турувчи томошабин бўлиб қолмоқдалар, деб ташвишланиб ёзмоқдалар. Бундай аҳвол давлат манфаатларига ҳам, бизнинг ахлоқ нормаларимизга ҳам хилофдир.

Давлат интизомига қаттиқ риоя қилиш, хўжалик ва савдонинг барча участкаларида жамоат контролини бўшаштирмаслик халқ мулкини сақлаш ва унинг дахлсизлигининг ҳал қилувчи шартидир. Шу нарса ҳам муҳимки, жумладан, моддий бойликларни ҳисобга олиш, сақлаш ва реализация қилиш қоидаларининг аниқ бажарилишини таъминлаш, ревизия ва инвентаризацияларни ўз вақтида ва синчиклаб ўтказиб туриш керак. Исрофгарчилик ва хўжасизлик билан кураш—бутун жамоатчиликнинг иши. Бу курашнинг муваффақияти кўп жиҳатдан касаба союз, комсомол ва бошқа оммавий ташкилотларга, халқ контролига боғлиқ. Партия ташкилотларининг вазифаси шуки, улар мана шу жамоат ташкилотларининг фаолиятини моҳирона йўллаб туришлари, меҳнаткашларни жамоат мулкига нисбатан юксак даражада онгли, коммунистик муносабат руҳида тарбияламоқ учун пропаганда ва оммавий агитация ишларининг хилма-хил воситалари ва формаларидан фойдаланишлари керак.

Ватан қудратининг ва халқ фаровонлигининг манбаи бўлган социалистик мулкни ҳар доим асраш ва мустаҳкамлаш — СССР Конституциясида кўзда тутилган бузилмас қонундир, ҳар бир совет меҳнатчисининг гражданлик бурчидир. Совет кишилари бу бурчни муқаддас билиб бажариб, социалистик давлатнинг бойликлари ва куч-қудратини кўпайтирмоқдалар, КПСС XXIV съезди белгилаб берган коммунистик қурилиш программасини муваффақиятли равишда амалга оширмоқдалар.

«ПРАВДА»нинг 8 сентябрдаги бош мақоласи.

*УЛУҒ ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА

*КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — АМАЛДА

*ЙИҒИМ-ТЕРИМ ҚИЗҒИН

*МЎЛ-КЎЛ ЕМ-ХАШАК

Телефонда — ҒУЗОР

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ ПАХТА ШТАБИ



33-73-43

33-76-04

ҚИЗҒИН ДАМЛАР

Телефон трубкасини район партия комитетининг биринчи секретари Момошо Аллаёров олди. У «Совет Ўзбекистони» мухбирининг районда пахта йиғим-терими қандай бораётгани тўғрисидаги саволларига шундан жавоб қилди:

— Ўрток секретарь, бу йилги пахта йиғим-теримининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат!

— Бу йил бизнинг воҳамизда мисли кўрилмаган сув танқислиги вужудга келди. Шу жумладан бизнинг Ғузорда ҳам сув жуда оз бўлди. «Пачкамар» сув омборига 270 миллион куб метр ўрнига бор-йўғи 55 миллион куб метр нари-берисида сув тўпланди. Бу бизнинг районимиздаги колхоз ва совхозларнинг 10 минг 700 гектар майдондаги ғўза ва бошқа экинларини суғоришга мутлақо етмасди. Районимиз пахтакорлари ана шундай катта қийинчиликни мардонавор енгдилар. Районда 2 мингдан ортиқ сувчи «Пачкамар»нинг ҳар қатра сувини тежаб-тергаб сарфлагани ҳолда, сув ресурсларининг янги резервларини топишга ҳаракат қилдилар. Ана шу ҳаракатнинг самараси туфайли Ленин номли колхозда 60 та, Карл Маркс номли колхозда 11 та, Охунбобоев номли колхозда 8 та артезиан қудуқлари казилиб, ер ости сувлари пахтазорга оқизилди. Ана шундай катта тадбиркорлик билан 10.700 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирилди. Бу йилги пахта йиғим-теримида кўзга ташланган алоҳида хусусият шундан иборат бўлаётирки, район пахтакорлари зўр меҳнат ва деҳқончилик маҳорати эвазига анча барвакт етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб териб олишга ва КПСС XXIV съезди бўлиб ўтган улуғвор йилда республиканинг 4 миллион 400 минг тонналик ўлкан хирмонига ҳар қачонгидан кўпроқ ҳисса қўшишга интилмоқдалар.

— Маълумки, яқинда КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Шу қарор муносабати билан районда қандай тадбирлар амалга оширилмоқда!

— Бу ўз пайтида ўртага ташланган масала бўлди. Ўтган беш йилликларда социалистик мусобақанинг кучи ва аҳамияти нақадар юксак бўлганлигининг гувоҳимиз. Тўққизинчи беш йиллик муваффақиятларини ҳам социалистик мусобақанинг янги шароитдаги роли ва аҳамиятисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Шу муносабат билан район партия комитети социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтаришга, меҳнаткашларнинг ташаббускорлигини оширишга, уларни жамоат ишларига кенг иштирок этишини таъминлашга, совхоз ишчилари, колхоз аъзоларининг хўжаликни бошқариш ишларига кенг жалб этишга қаратилган қарор қабул қилдилар. Бинобарин, социалистик мусобақанинг жўшқин руҳи пахта йиғим-теримининг зарбдор суръатида ўз аксини топмоқда. Райондаги барча хўжаликларда механизаторлар ва чевар теримчиларнинг ўзаро социалистик мусобақаси кенг йўлга қўйилди. Қариб 6000 киши кўп минг килограммчилар ҳаракатига қўшилди. Социалистик мусобақа шартларига кўра, илғорлар ҳар ўн кунда моддий ва маънавий рағбатлантириб борилади. Хуллас, пахта йиғим-теримида социалистик мусобақа кун сайин кенг қулоч ёзмоқда.

—Пахта йиғим-теримида аҳвол қандай! Бугунги суръат сизни қаноатлантирадими!

— Ғузор райони пахтакорлари 35 минг тонналик хирмон учун бел боғлаганлар. Районда пахта йиғим-терими бошланганига бир ҳафта бўлди. Мавсум бошидан буён йиллик планга нисбатан 12 процент пахта тайёрланди. Кунлик суръат 1,5-2 процентга яқинлашиб қолди. Бу кўрсаткичлар бултурги ва ўтган йилги суръат билан таққосланганда пахта йиғим-теримида муваффақиятли олга силжиётганимизни кўрсатади. Лекин, пахтакор ҳар йилнинг ўз шароити ва имкониятига қараб режа тузмоғи керак. Шу жиҳатдан қараганда, бу йилги суръат бизни қаноатлантиролмайди. Ҳосил бу йил анча барвакт етилди. Графикка биноан районда 15 минг киши пахта йиғим-теримида қатнашиши керак. Бугунги графикка разм солгудек бўлинса, пахта далаларида 6 минг 189 киши қатнашаётганини кўрамиз. Биз хотиржамликнинг бу кўринишига тезда барҳам берамиз. Ғузорликлар якин кунлар ичида кунига 4-5 процентдан пахта тайёрлашга эришадилар, деб ишонтирамиз.

— Бу йилги пахта йиғим-теримида районда машиналар қандай роль ўйнайди!

— Шубҳасиз, асосий роль ўйнайди. Машинанинг ҳосияти туфайли Ғузор райони йил сайин юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқда. Пахтазорлар тепасида уч самолёт тинимсиз дефолиация ўтказмоқда. Бу йил 9 минг 540 гектар майдоннинг ғўзаси дефолиация қилиниши керак. Ҳозиргача 2 ярим минг гектар ғўзанинг барги тушириган бўлсада, дефолиация яқин кунлар ичида тугалланади. Дефолиация ишлари райондаги Ленин номли, Карл Маркс номли, Гагарин номли колхозларда тез суръат билан бормоқда. Яқин 3-4 кун ичида машина терими бошлаймиз. Район механизаторлари машина теримига команда беришини сабрсизлик билан кутиб туришибди. Бу йил пахтазорларимизда 124 та терим агрегати икки сменада ишлайди. Уларни 248 механизатор бошқаради. Бултур районда 24 хотин-қиз «занги-ои кема»ларни бошқарган эди. Бу йил уларнинг сони 40 дан ошади.

— Бултур Ғузор райони республикада пешқадамлар қаторида маррага етган эди. Ғузорликлар бу йил ҳам ғолиблик анъаналарига содиқ қола оладиларми!

— Бу саволга жавоб беришга балки вақт ҳали бироз эртадир. Лекин ғузорликлар ҳамиша бор имкониятдан тўла фойдаланишга, Ватанга ҳар қачонгидан кўпроқ «оқ олтин» етказиб беришга интилиб келганлар. Ғузорликларнинг ана шу иштиёқи бу йил ҳар қачонгидан ҳам зўр. Уйлайманки, бу ўз самарасини бермасдан қолмайди.

АБДУСАТТОР ҚУРБОНОВ БРИГАДАСИ ПЛАННИ БАЖАРДИ

ШЕРОБОД, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Ленин номли совхознинг машҳур механизатори Абдусаттор Қурбонов бошлиқ комплекс механизациялашган бригадаси аъзолари ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Улар пахта тайёрлаш йиллик планини 10 сентябргача бажаришга ахд қилган эдилар. План 9 сентябрда бажарилди. 58 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 15,6 центнер ўрнига 16 центнердан ошириб «оқ олтин» териб олинди. Бригада аъзолари ҳар гектар ердан яна 26 центнердан пахта топширишга, ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнердан оширишга қарор қилдилар. Бу, планда белгиланганидан қариб 150 тонна кўпдир.

Бригада пахтасининг ҳаммасини Абдусаттор Қурбоновнинг ўзи машинада теряпти. Унинг мавсум бошидан бери машинада терган пахтаси 225 тоннага етди.

А. ХАЛИЛОВ.

ЕМ-ХАШАК ЖАМҒАРИШ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ИККИ ЙИЛЛИК СУТ

БУХОРО. Қоракўл районидаги «Октябрь» колхози областдагина эмас, республикамизда ҳам донг таратган. Хўжаликда пахтачилик билан бирга чорвачилик ҳам йил сайин ривожланмоқда. Айниқса, сут-товар фермасининг иши қувонарлидир. Яқинда яна бир муҳим ғалаба қўлга киритилди. Ферма коллективи 194 тонна ўрнига 228 тонна серҳаймок сут топшириб, йиллик планнинг муддатидан илгари ошириб бажарилганлиги тўғрисида рапорт берди.

— Бу билан қаноатланиб қолмаймиз,—дейди колхоз раиси тажрибакор деҳқон ва чорвадор М. Шарипов. — Бу йил камида икки йиллик планга тенг миқдорда сут топширамиз. Бунинг учун фермадаги 225 бош сигир зооветеринария қоидалари асосида парвариш қилинмоқда.

Бу муваффақиятлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ, албатта. Колхозда аввало чорва молларнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаётир. Бу йил ҳам камида икки йилга етадиган миқдорда ем-хашак ғамлаб қўйилди. Жамғарилган 3400 тонна дагал хашак фермаларга ташиб олинди.

Сигирлар яхши боқилаётганлиги туфайли Сора Сайфуллаева, Муяссар Ҳамроева, Ҳанифа Саъдуллаева, Муаззам Ҳайтова каби меҳнатсеварларнинг ҳар бири ҳозиргача сигир бошига 1500 килограммдан сут топширишди. Улар йил охиригача яна шунчадан сут согиб олишга ахд-паймон қилишган.

Фермада сигирлардан согиб олинаётган сут кўпайиши билан бирга, унинг таннархи ҳам камайиб бормоқда. Ҳар бир центнер сутнинг таннархи плондаги 19 сўм 50 тийин ўрнига, 15 сўмга тўғри келяпти. Сутдан келган даромад 92 минг сўмни ташкил этади.

Янги урф-одатлар ва маросимларни халқ ҳаётига чуқур сингдирайлик

9 сентябрда Тошкентда ўз ишини бошлаган республика семинар-кенгаши янги урф-одатларни ва маросимларни пропаганда қилиш ҳамда уларни меҳнаткашлар ҳаётига сингдириш масалаларига бағишланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан чақирилган бу семинар-кенгашда область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, область партия комитетлари пропаганда ва агитация бўлимининг мудирлари ҳамда лекторлар группасининг раҳбарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг масъул ходимлари, область, шаҳар ва район комсомол комитетларининг секретарлари, бир қанча бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, партия комитетларининг ва «Билим» жамиятининг лектор-атеистлари, матбуот, маданий-оқартув муассасалари, ижодий союзлар, мактаблар ва олий ўқув юртларининг ходимлари қатнашмоқдалар. Марказий газеталар ва журналларнинг вакилларидан, Москвадаги ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидаги олимлардан иборат меҳмонлар ҳам бор.

«Янги урф-одатлар ва маросимларни турмушга сингдириш—меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим воситаси» деган мавзуда семинарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов доклад қилди.

Самарқанд область партия комитетининг секретари Х. Ю. Аслиддинова, «Совет Ўзбекистони» газетасининг редакцияси М. Корнев, Сирдарё область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири И. Жамолов, Ўзбекистон ССР маданият министри А. М. Қўчқоров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси У. Е. Иброҳимов, республика фанлар академияси Қоракалпоғистон филиали тарих, тил ва адабиёт институти илмий атеизм секторининг мудири Д. Бозорбоев, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғафуржонов, Абай номидаги Қозоғистон педагогика институти фалсафа кафедрасининг мудири профессор Н. С. Сарсенбоев, Бухоро педагогика институти илмий коммунизм кафедрасининг мудири О. Ф. Вафоев, Наманган область ҳарбий комиссариати пропагандисти М. Турғунов, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий фанлар академияси илмий атеизм институтининг директори профессор А. Ф. Оқулов, «Ташсельмаш» заводи партия комитети секретарининг ўринбосари С. К. Насовец, Низомий номидаги Тошкент педагогика институти КПСС тарихи кафедрасининг мудири А. Раззоков меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг актуал проблемалари тўғрисида гапирдилар.

Семинар-кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари Ю. А. Скляров қатнашмоқда.

Семинар-кенгаш ўз ишини давом эттиряпти. (ЎзТАГ).

ОКТЯБРЬ ОЛДИДАН

Тошкент шаҳар Ҳамза районининг саноат корхоналари йил бошидан бери пландан ташқари ўн уч миллион сўмлик ҳар хил маҳсулот ишлаб чиқардилар. Районда орқада қолаётган биронта ҳам коллектив йўқ. 34 корхонанинг ҳаммаси август ойида ишлаб чиқариш программасини бажарди. Район меҳнаткашлари ўз резервлари ва имкониятларини ҳисоблаб чиқиб Улуғ Октябрнинг 54 йиллигини социалистик мусобақада олган мажбуриятларини бажаришда янги-янги муваффақиятлар билан нишонлашга қарор қилдилар. Улар байрам шарафига пландан ташқари яна 2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, беш йилликнинг биринчи йили топширигини 20 декабрда бажаришга ахд қилдилар.

ПАХТАЧИЛИК КООРДИНАЦИЯ КЕНГАШИ

7 сентябрда Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтида пахтачилик координация кенгаши ўз ишини бошлади. Кенгашда Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Озарбайжон республикаларининг ғўза генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги, агротехника, ўсимликларни ҳимоя қилиш, мелиорация соҳасида ишловчи олимлари қатнашмоқдалар. Кенгаш беш йиллик тадқиқотларга якунлар ясайди ҳамда мамлакатимиздаги пахтачиликни янада юксалтиришга имкон берувчи илмий-тадқиқот ишларини бундан буён ҳам авж олдириш юзасидан вазифалар белгилаб олади. Кенгаш иши тўрт кун давом қилади. (ЎзТАГ).

4.400.000 ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида 1971 йил 9 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Машинада бир кунда	Мавсум бошидан машинада
Қашқадарё	1,71	13,92	0,01	0,01
Сурхондарё	1,34	11,92	0,70	2,70
Андижон	1,21	5,97	—	—
Бухоро	0,86	4,69	0,02	0,02
Фарғона	1,14	3,91	—	—
Наманган	0,88	2,95	—	—
Тошкент	0,49	1,68	0,10	0,14
Сирдарё	0,33	1,65	0,05	0,05
Самарқанд	0,40	0,89	—	—
Хоразм	—	—	—	—
ҚҚ АССР	—	—	—	—
Республика бўйича:	0,77	4,16	0,09	0,27
Шу жумладан, ингичка толали пахта:				
Сурхондарё	1,22	11,59	—	—
Қашқадарё	0,76	2,96	—	—
Бухоро	0,22	0,83	—	—
Республика бўйича:	1,00	8,59	—	—

БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ 27 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

Ўзбекистон жамоатчилиги Болгариядаги социалистик революциянинг 27 йиллигини тантанали нишонлади. Тошкент области ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги вакилларининг шу санага бағишланган йиғилишида Совет — Болгария дўстлиги жамияти Тошкент область бўлимининг раиси Ш. Н. Тошпўлатов «Социалистик Болгариянинг 27 йиллиги тўғрисида» доклад қилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Ўзбекистон меҳнаткашлари билан Болгария Халқ Республикаси меҳнаткашлари ўртасида айниқса Тошкент области билан Хасково округи ўртасида, Андижон области билан Ямбол округи ўртасида мустаҳкам алоқа боғланганлигини айтиб ўтдилар. Улар мунтазам равишда бир-бирларига делегациялар, мутахассислар юбориб туришибди, хўжалик ва маданий қурилиш тажрибаларини ўрток лашмоқда.

Йиғилиш қатнашчилари Болгария — Совет дўстлигининг умумхалқ комитети номига Софияга табрикнома йўлладилар. (ЎзТАГ).

ДИРЕКТИВА ОБЪЕКТЛАРИДА

БУНЁДКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Урганч ёғ-экстракция заводи тўққизинчи беш йиллик объектларидан. Корхона қурилиши КПСС XXIV съезди Директиваларида кўзда тутилган. У республикамиздаги энг катта заводлардан бўлади. Ишлаб чиқариш қуввати—суткасига 720 тонна чигитни қайта ишлашдан иборат. Бу 140 тонна пахта ёғи демакдир.

Биз ана шу завод қурилаётган жойда бўлдик. Бунёдкорларнинг зарбдор объектда амалга ошираётган ишлари дилни қувонтиради. «Беш йиллик объекти — ёғ-экстракция заводини 1973 йилда фойдаланишга топширамиз!» Улар ана шундай қатъий қарорга келиб ишламоқдалар.

Беш йиллик объектини 167-трестнинг 3-қурилиш-монтаж бошқармаси қурмоқда. Улар бу йил жами 800 минг сўмлик иш бажаришлари керак эди. Ғайрат билан меҳнат қилганликлари туфайли 8 ойлик план тўла-тўкис адо этилди. Июль ва август ойларида 200 минг сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Бинокорларнинг меҳнати дастлабки самараларини бермоқда. Ҳозирга қадар ёрдамчи корпус қурилиши ниҳоясига етди. У ёғ қуйиладиган ва тортиладиган цехни, шелуха ва қунжарада қолган мойни ажратиб оладиган элеваторни, анжомхона, душ ва омборларни ўз ичига олади. Яқинда маъмурий-маиший корпусга пойдевор қўйилди. Асосий корпуснинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр турибди. Ҳадемай қурилиш жадал бошланиб кетади.

Қурувчилар ўртасида социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. «Ҳурмат белгиси» орденли Саъдулла Султонов бошлик сувоқчилар Йўлдош Эшжонов бошлиқ гишт терувчилар бригадалари шу кунгача тўқкиз ойлик топшириқни бажариб қўйишди. Гишт терувчи Л. Абдуллаев, сувоқчилар С. Абдужабборов, Р. Исмоилова, дурадгор Р. Вафоев, монтажчилардан В. Воробьёв, Ким Георгий ўртоқлар мусобақада карвонбошилик қилаётирлар.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Тошкентдаги «Учқун» фирмасининг ишчиси Умри Муҳиддинова беш йиллик топшириқни тўрт йилда бажаришга аҳд қилган. У смена топшириқларини доимо ортиғи билан бажармоқда. Пастдаги суратда эса республикамиз пойтахтидаги 11-«Висотстрой» трестининг 17-қурилиш бошқармаси монтажчилари (чапдан) Файзулла Йўлдошев, Бобоқул Ашуров ва Темир Гайфуллинлар. Улар шаҳарнинг Куйбишев районида қурилаётган янги саноат объектида касбдошларига ибрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

М. Нуриддинов фотолари.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Узбекистон ССР Фанлар академияси химия институтининг бир қанча лабораторияларининг иши Узбекистон металлургия саноати билан узвий боғлиқдир. Бу лабораторияларда молибден концентратидан азот кислотаси ёрдамида темир ва молибденни ажратиш, парамолибдат аммоний кристалларини олиш жараёнлари ишлаб чиқилди ҳамда Чирчиқдаги иссиқ ва чидамли ва қийин эрувчи металлар комбинатида татбиқ қилинди.

Мазкур комбинатда қийин эрувчи маҳсулотлар чиқиндисини қайта ишлаш электрохимик технологияси ҳам жорий қилинмоқда.

ЧОРВАЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ ОМИЛИ

Ботаника институтининг Қизилқум ва Нурота чўл станциялари ходимлари ёввойи ўсимликларнинг экологик-биологик ва физиологик хусусиятларини ўрганиш ишлари билан банд. Катта майдонларда ўсимликларни экиб, тажрибадан ўтказмоқдалар. Айниқса, чорва учун тўйимли озуқа ҳисобланган ўтлоқлардаги ёввойи ўсимликлардан қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда институт олимлари ва мазкур станциялар ходимлари ўсимликларнинг турли иқлим ва тупроқ шароитига мослашишини чуқур ўрганмоқдалар.

ЯНГИ НАВЛАР

Узбекистон шоликорлик илмий-тадқиқот институти ижодий коллективи кейинги йилларда яхши натижаларга эришди. Илмий муассаса ходимлари томонидан яратилган шолининг ўндан ортиқ янги навлари республикамизнинг кўпгина хўжаликларида муваффакиятли экиб келинмоқда.

Селекционер Н. И. Косарев яратган «Узрос-7», «Узрос-7-13», «Узрос-17» навли шоли уруғлари фақат Урта Осиё республикаларидагина эмас, ҳатто қардош Венгрияда ҳам юқори баҳоланди. Машҳур шоликор, марҳум А. Е. Шин ва М. Н. Мананниковларнинг ўрта пишар «Узрос-59», Г. И. Свежниковларнинг «Узрос-275», «Узрос-269» шоли навлари юқори ҳосилдорлиги билан ажралиб туради.

Бу йил республикамиз колхоз ва совхозлари институт олимлари томонидан яратилган «Узбекистон-5» навли юқори ҳосилли шоли уруғини олдилар. Бу янги нав Тошкент, Наманган, Хоразм область хўжаликларида синовдан ўтмоқда.

ЁШЛАР, ҲУНАР ЎРГАНИНГ!

Ишчи синфининг ёш авлоди

Ўсиб келаётган ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш, янги кадрларни вояга етказиш, уларнинг малакасини, маданий-техника савиясини ошириш — Коммунистик партия ва Совет давлатининг диққат-марказида турган ҳаётий масалалардан биридир.

Порлоқ келажак учун курашда ижтимоий тараққиётнинг илғор кучи ҳисобланган ишчилар синфи ҳар вақтдагидек совет халқининг авангарди бўлиб келмоқда. К. Маркс ва Ф. Энгельс дунёни қайтадан тузувчи куч ҳисобланган ишчилар синфининг тарихий ролини таърифлаб, уни «келажакнинг эгаси» бўлган синф, деб атаган эдилар. В. И. Ленин бу таълимотни ривожлантириб, ишчилар синфи «бутун инсониятнинг биринчи ишлаб чиқарувчи кучи» деб кўрсатиб ўтган эди.

Улуғ доҳий васиятларига амал қилган Коммунистик партиямиз ва Совет давлати революциянинг биринчи кунларидан бошлабқ ёшларнинг меҳнат тарбиясига катта эътибор берди ва эътибор бериб келмоқда.

Ўзбекистон халқ хўжалигининг йилдан-йилга катта одимлар билан ривожланиб бориши ҳунар-техника таълим системаси олдига ҳам янги-янги талабларни қўймоқда. Айни замонда халқ хўжалиги учун ихтисосли кадрлар тайёрлаб бериш борасида ҳунар-техника таълими мактабларининг аҳамияти янада ортиб бораётир.

Фан ва техниканинг тараққиёти малакали ёш ишчилар тайёрлаш сифатини янада ошириш, ўқув-тарбия ишлари савиясини юқори даражага кўтаришни тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам Узбекистон ҳунар-техника таълими мактабларининг ходимлари ҳаёт билан баробар қадам ташлаб, республика экономикаси тараққиёти талабларидан орқада қолмасликка, партия ва ҳукумат кўрсатмаларини аниқ ва ўз вақтида бажаришга интилмоқдалар. Бу борада қатор амалий тадбирлар кўрилмоқда. Механизация мактаблари қишлоқ хўжалигини механизациялаш мактабларига айлантирилди. Уларда ҳунар ва фабрика-завод мактабларида синалган таълим системаси жорий қилинди. Таълимнинг бундай усули қишлоқ хўжалигида кадрларнинг турғунлигини, механизаторларнинг йил давомида узлуксиз ишлашини таъминлади. Ҳунар-техника мактабларининг педагогик коллективлари республика партия ва ҳукумати кўрсатмаларини амалга ошира бориб, жойларда ўзбек хотин-қизларидан механик-ҳайдовчиларни тайёрлай бошлади.

Сўнгги йилларда Узбекистонда жуда кўплаб уй-жойлар, янги саноат объектлари қад кўтарди. Бу ишга ҳунар мактабларини битириб чиққанлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Юқори малакали қурувчи кадрлар тайёрлаш мақсадида республикадаги қурилиш мактаблари қурилиш ўқув юртларига айлантирилди. Юқори малакали ишчилар ва қўйи техник ходимлар тайёрлаш мақсадида янги типдаги таълим ўчоқлари, яъни техника мактаблари ташкил этилди. Уларга тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилина бошланди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ҳунар-техника таълими системасидаги ўқув юртларида малакали ишчилар тайёрлашни янада яхшилаш чоралари тўғрисида» қабул қилган қарори (1969 йил апрель) партия ва ҳукуматимизнинг ҳунар-техника таълими системаси ҳақида кўрсатиб келаётган ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир. Мамлакатимизда, шунингдек, республикамизда ҳунар-техника таълими системасининг равнақ топишида янги давр бошланди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев КПССнинг XXIV съездига қилган ҳисобот докладида ўрта маълумот берадиган ҳунар-техника ўқув юртларининг сони йил сайин ортиб боради ва бундай билим юртлари келажакда халқ хўжалигини ривожлантиришда катта роль ўйнайди ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади, деб айтган эди.

Республикамизда ҳозир 126 та шаҳар ва қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари мавжуд. Уларда таҳсил кўраётган 50 мингга яқин ўғил-қизларимиз 160 дан ортиқ турли касбларни ўрганмоқдалар. Узбекистон ҳунар-техника таълими ўзининг 30 йиллик фаолияти даврида техника билими ва ишлаб чиқариш тажрибаси билан қуролланган салкам 400 минг ёш мутахассисни тайёрлаб чиқарди. Шундан 154939 киши қишлоқ хўжалигига, 103750 киши саноатга, 69066 киши қурилишга, 32672 киши транспорт ва алоқа корхоналарига, 39366 киши республиканинг бошқа иқтисодий соҳаларига ишга юборилди.

Республикамизда бир вақтнинг ўзида ҳам касб ўргатиб, ҳам ўрта маълумот берадиган ўқув юртларининг тармоқлари йил сайин кенгайиб бормоқда. Билим юртларида ўқиш муддати бир йилдан тортиб уч йилгача. Ёшларимизнинг ҳунар ва билим олишлари учун ўқиш кабинетлари, лаборатория, кутубхона ва ҳозирги замон асбоб-ускуналари билан жиҳозланган таълим устахоналари ва бошқа шарт-шароитлар яратиб берилган. Ҳунар-техника билим юртларимизда техника воситаларидан фойдаланилган ҳолда программалаштирилган таълим жорий этилган. Ҳозирги вақтда машғулотларни экранлаштириш воситалари ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Бу борада Тошкент шаҳридаги 4, 9, 63-ҳунар-техника билим юртлари катта тажрибага эга. Маълумки, заводлар, фабрикалар, транспорт, умуман, халқ хўжалигининг барча соҳалари мураккаб техника билан жиҳозланган. Энг замонавий янги дастгоҳларни физика ва математика синфларининг фанларни мукаммал билмай ва маҳсус малака ҳосил қилмай туриб, бошқариш мумкин эмас. Мамлакатимизнинг ҳақиқий хўжайинлари — моддий бойликларни яратувчилар ишчилар синфидир. Ўрта мактабни битирувчилар буни зинҳор унутмасликлари керак. Ўқитувчилар уларнинг қалбида ишчи касбига, тикувчилик, темирчилик, пўлат ва чўян эритиш, машинистлик, дурадгорлик, токарлик, слесарлик, шоферлик ва бошқа касб-ҳунарларга кучли ҳавас уйғотишлари, касб танлашда уларга чинакам маслаҳатгўй бўлишлари лозим.

Партия ва ҳукуматимиз ўсиб келаётган ёш авлод олдига ниҳоятда катта ва муҳим вазифаларни қўймоқда. Ёшларнинг аксарият қисми ишлаб чиқаришга жалб этилиб, у ерда ўзларининг меҳнатлари билан кўпроқ ижтимоий бойлик яратишлари кераклиги кўзда тутилмоқда. Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўрта мактабни битирган ўқувчилардан фақат 20-25 процентигина кириб ўқишмоқда. Қолганлари эса ҳаётда ўзларига муносиб ўрин топишда тажрибасизлик қилмоқдалар, қийинчиликларга учрамоқдалар. Шу сабабли ўрта маълумотли ўқувчиларга касб-ҳунар танлашда, ҳаётда ўзларига ўрин топишларида ўрта мактабларнинг педагогик коллективлари жонбозлик кўрсатишларини истар эдик.

Маълумки, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг «Республикада ёшларнинг касб танлашига доир ишларини яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорида (1970 йил сентябрь) республикамизда ёшларга касб ўргатишда йўл қўйилаётган камчиликлар қайд этилиб, ёшларнинг ихтисосликларини эгаллашига доир ишларни яхшилаш вазифалари белгилаб берилган эди. Шу мақсадда идороларо республика, область, шаҳар ва район кенгашлари ташкил этилди. Республика кенгашн бу борада ибратли ишлар қилмоқда.

Хўш, ҳунар-техника таълимининг афзалликларини нималарда кўриш мумкин? Ёшлар билим юртида ўқиган вақтларида давлат таъминотида бўладилар. Қишки, ёзги кийим-кечак, иш кийими ва уч маҳал белул ёссиқ овқат билан таъминланадилар. Узоқдан келганларга ётоқхона берилади. Булардан ташқари билим юртида ўқиган муҳлат узлуксиз меҳнат стажига киради.

КПСС XXIV съезднинг тарихий ва оламшумул қарорларида тўқкизинчи беш йиллиқда совет ёшларининг таълим тарбиясини янада яхшилаш масаласига катта эътибор берилди. Олий ва ўрта маҳсус таълим билан бир қаторда ҳунар-техника билим юртларининг тармоқлари янада кенгаяди. Айниқса, баъзи мураккаб касблар бўйича умумий ўрта маълумот берадиган билим юртларининг сони орта бориб, беш йилликнинг охирида — 1975 йилда 54,6 минг ўқувчи қабул қилиниб, 46,6 минг йигит ва қиз билим юртларини тамомлаб чиқадилар. Ўрта ҳунар-техника билим юртлари эса йилига 7.400 дан ортиқ ёшни қабул қиладиган бўлади.

Бу улкан вазифалар тўқкизинчи беш йиллик мобайнида 25 минг ўринли 44 та янги ҳунар-техника билим юртини очиш, қўшимча 24 та билим юртини ўрта маълумот берадиган ўқув юртига айлантириш, ўқув-ишлаб чиқариш базаларини ҳозирги замон илғор техникаси билан қуроллантиришни талаб қилади.

Биз аминмизки, улуғ совет халқи жонажон партиямиз ва ҳукуматимизнинг бевосита ва кундалик раҳбарлиги туфайли ўз олдида турган улуғвор вазифаларни шараф билан бажарадилар ва инсониятнинг порлоқ келажаги бўлмиш коммунистик жамият қуриш йўлида янги-янги зафарларни қўлга киритаверадилар.

Ҳ. КАЛОНОВ,
Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг раиси.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ПАХТАКОР» ЎЗ НОМИНИ ШАРАФЛАСИН

Газетамизнинг шу йил 15 август сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада «Пахтакор» футбол командаси «дум»лигини «ҳунар» қилиб олгани ҳақида гап юритилганди.

Кўнгилли қишлоқ «Пахтакор» спорт жамиятининг марказий Советидан маълум қилишларича, ушбу мақола команда ўйинчилари йиғилишида муҳокама қилинганида улар ўз адресларига айтилган таъналарнинг ҳақ эканлигини эътироф этганлар.

Республика Министрлар Совети қошидаги Физкультура ва спорт комитети Марказий «Пахтакор» спорт жамияти ва комсомол ташкилоти ўйинчиларнинг маънавий фазилатларини тарбиялаш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб олдилар.

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ходимлари иштирокида «Пахтакор» командаси комсомолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда сўзга чиққан ўйинчилар барча куч ва имкониятларини, қобилият ва маҳоратларини ишга солиб, командининг олий лигадаги ўрнини сақлаб қолиш ва «Пахтакор» деган шарафли номни оқлашга ваъда бердилар.

ЯНГИЛИКНИ ШАРҲЛАИМИЗ

ИТТИФОҚДА БИРИНЧИ

Ўзбекистон ССР Геология министрлиги системасида Иттифоқимизда биринчи марта «Туран» гидрогеологик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. У «Узбекгидрогеология» ишлаб чиқариш трести ва «Гидроингео» илмий-тадқиқот институти базаларида бунёд этилди. Унинг маркази Тошкентдадир.

Хўш, «Туран» қандай вазифаларни ҳал этади?

Мирзачўл ва Қарши даштлари, Фарғона водийси, Қизилқум ва Устюртга жойлашган ишлаб чиқариш бўлинмалари коллективлари фақат янги ерларни ўзлаштириш, мелиорация, яйловларни суғориш, шаҳарларни, саноат корхоналарини, республикадаги қишлоқларни сув билан таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалалар билангина шуғулланмайди. «Туран»нинг бош вазифаси Ўрта Осиё иқтисодий районини ривожлантириш масалаларини ҳал этишдир. У Орол ва Каспий денгизи проблемалари билан, Сибирь дарёларининг сувини Ўрта Осиёга оқизиш, шўрҳок ерлар мелиорацияси, ернинг ички ҳароратидан фойдаланиш масалалари билан, ер ости сунъий сув омборлари ташкил этиш ва тадқиқотларнинг янги методларини ишлаб чиқиш масалалари билан шуғулланади. Кўриб турибсизки, бизнинг вазифаларимиз анча катта.

«Туран» бирлашмасини ташкил этишга нима мажбур этди деб қизиқарсиз, албатта. Аввало, бундай бирлашмаларнинг фан-техника тараққиёти жадал бораётган ва фан билан ишлаб чиқариш алоқаси тобора мустаҳкамланаётган ҳозирги даврда аҳамияти жуда катта.

Аввалари «Гидроингео» илмий-тадқиқот институти тадқиқотлари ва «Узбекгидрогеология» трестининг ишлари амалда битта халқ хўжалиги вазифасини ҳал этишга қаратилган бўларди. «Туран» фаолияти эса анча кенгроқ. У илмий-тадқиқот институти базаларида бунёд этилди. Унинг маркази Тошкентдадир.

Хўш, «Туран» қандай вазифаларни ҳал этади?

Мирзачўл ва Қарши даштлари, Фарғона водийси, Қизилқум ва Устюртга жойлашган ишлаб чиқариш бўлинмалари коллективлари фақат янги ерларни ўзлаштириш, мелиорация, яйловларни суғориш, шаҳарларни, саноат корхоналарини, республикадаги қишлоқларни сув билан таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалалар билангина шуғулланмайди. «Туран»нинг бош вазифаси Ўрта Осиё иқтисодий районини ривожлантириш масалаларини ҳал этишдир. У Орол ва Каспий денгизи проблемалари билан, Сибирь дарёларининг сувини Ўрта Осиёга оқизиш, шўрҳок ерлар мелиорацияси, ернинг ички ҳароратидан фойдаланиш масалалари билан, ер ости сунъий сув омборлари ташкил этиш ва тадқиқотларнинг янги методларини ишлаб чиқиш масалалари билан шуғулланади. Кўриб турибсизки, бизнинг вазифаларимиз анча катта.

«Туран» бирлашмасини ташкил этишга нима мажбур этди деб қизиқарсиз, албатта. Аввало, бундай бирлашмаларнинг фан-техника тараққиёти жадал бораётган ва фан билан ишлаб чиқариш алоқаси тобора мустаҳкамланаётган ҳозирги даврда аҳамияти жуда катта.

Н. ХОЖИБОЕВ,
«Туран» гидрогеологик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори.

ПАРТИЯНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ

Пропагандистларга ёрдам

Коммунистик жамият қурилишининг объектив қонунияти халқ фаровонлигини узлуксиз ошириб боришдан, унинг маданиятини ривожлантиришдан, социалистик жамиятдаги барча социал гуруҳларни ҳамда синфларни аста-секин яқинлаштириб боришдан иборатдир. Бу эса ҳозирги даврда партия олиб бораётган иқтисодий сиёсатининг асосини ташкил этади.

КПСС XXIV съезди халқ фаровонлигини оширишда ва синфсиз коммунистик жамият қуриш йўлида қўйилган улкан қадам бўлди.

Мамлакатимизда ривожланган социалистик жамият қурилиб, ишлаб чиқариш кучларининг юксак даражада ўсишига эришилди. Маданият янада ривож топди, халқ оммасининг онгли фаолияти ўсди. Бу ҳол коммунизмнинг моддий-техника базасини қуришга киришиш имконини берди. Бизнинг мамлакатимизда социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалабаси даврида ҳам социализмнинг асосий қонуни ҳукмрондир. Албатта, кейинги вақтларда бизнинг хўжалигимизда қўлга киритилган улкан ютуқларни инкор этиб бўлмаслик мумкин эмас. Ишлаб чиқаришнинг ва истеъмолнинг кўлами ўсди, моддий ресурсларни ва табиат бойликларини ўзлаштириш кўпайди, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий-техника савияси мислсиз даражада ўсди. Жаҳон саноатида СССРнинг салмоғи ортди ва натижада унинг халқаро соҳадаги алоқалари кучая борди. Бунинг ҳаммаси иқтисодий имкониятларимизнинг ўсганлигидан далолат беради.

Партия хўжалик қурилишида эришилган бундай ютуқларга асосланиб, меҳнаткашлар фаровонлигини янада оширишни беш йиллиқнинг асосий вазифаси сифатида илгари сурди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев партия XXIV съездига қилган ҳисобот докладида бундай деди: **«Марказий Комитет меҳнаткашлар фаровонлигини жиддий суръатда оширишни тўқкизинчи беш йиллиқнинг асосий вазифаси сифатида илгари сурар экан, бу йўл олдимиздаги беш йил ичида бизнинг фаолиятимизни белгилаб бергинча қолмасдан, балки мамлакатнинг узоқ келажакка мўлжалланган хўжалик тараққиётининг умумий йўналишини ҳам белгилаб беришни назарда тутади. Партия ана шундай йўлни белгилаб чиқар экан, аввало, кишиларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш — социализм даврида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсади эканлигига асосланади».**

Партиямиз Совет ҳокимиятининг дастлабки кунлариданоқ халқ фаровонлигини ошириш ҳақида қўлидан келган барча ишларни қилди. Узоқ йиллар давомида бизнинг имкониятларимиз бу соҳада бир қадар чекланган эди. Эндиликда эса барча имкониятларимиз жиддий суръатда кенгайди. Объектив имкониятлар партияга хўжалик қурилишини, халқ турмушини яхшилашга янада кўпроқ эътибор бериш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Масалага шу тарика ёндошиш социализмнинг объектив қонунларига асосланган бўлиб, совет кишиларининг барча меҳнаткашларнинг қобилиятларини ва ижодий активлигини ҳар томонлама ривожлантириш имконини беради.

Шундай қилиб, Коммунистик партиянинг халқ фаровонлигини ошириш тўғрисидаги доимий ғамхўрлиги социалистик жамиятнинг ажойиб инсонпарварлигидан далолат беради. Бу эса, ижодий меҳнат қилаётган совет кишиларининг ташаббуси ва ғайратини янада ошириш ҳамда оммани коммунизм иши тантанаси учун астойдил меҳнат қилишга чорлайди, партиямизнинг «Ҳамма нарса инсон учун, инсон баҳт-саодати учун» шиорини амалга оширишга даъват этади.

КПСС XXIV съезди халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада оширишни янги беш йилликнинг асосий вазифаси қилиб қўйди. **«Беш йилликнинг асосий вазифаси,** — дейилади КПСС XXIV съезди Директивларида, — **социалистик ишлаб чиқаришни юксак суръатлар билан ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, фан-техниканн тараққий эттириш ва меҳнат унумдорлигини оширишни жадаллаштириш асосида халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини анча юксалтиришни таъминлашдан иборатдир».**

Халқ турмуши моддий ва маданий даражасини янада юксалтиришда, уларнинг ўсиб бораётган моддий ва маиший эҳтиёжларини максимал даражада қондириб боришда мамлакатда миллий даромаднинг ўсиб бориши муҳим роль ўйнайди. Янги беш йиллиқда миллий даромад саккизинчи беш йилликдаги 233 миллиард сўм ўрнига 325 миллиард сўмга етади. Беш йил ичида миллий даромад жами бўлиб бир триллион 625 миллиард сўмга кўпаяди, ёки 37-40 процентга ортади. Социалистик жамиятимизда жамғарма билан истеъмол ўртасида, капиталистик тузумга хос антогонизм бўлмайди. Бизда жамғарма ҳам, истеъмол ҳам халқ манфаатларини кўзлайди. Социалистик халқ хўжалигини

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ИСТИҚБОЛ ЭГАЛАРИ МАДҲИ

«Ёш ленинчи» газетасининг ўтган кунги сонида «Ишчи ва деҳқон гвардиясининг муносиб ўринбосарлари» умумий сарлавҳаси остида берилган қўш саҳифадан «Тошкенткабель» заводи ишчиси, Ленин ордени кавалери Сотволди Маҳкамов, Олмалиқ мис эритиш заводи металлургия цехининг ишчиси Г. Ҳакимназаров, Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева ва деҳқон гвардиясининг муносиб ўринбосарларини тарбиялаш доимо биринчи галдаги вазифа эканлигини уқтириб ўтганлар.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИДА

КАДРЛАР ҲАЛ ҚИЛАДИ

Узбекистон касаба союзлари республика Совети Президиуми республика касаба союзларининг советлари ва комитетлари кейинги йилларда маданий-оқартув муассасаларини тажрибали кадрлар билан мустаҳкамлашда кўпгина намунали ишлар қилганликларини алоҳида таъкидлади. Андижон, Наманган, Самарқанд ва Тошкент областларида маданий-оқартув ишларининг энг актуал масалалари бўйича семинарлар ўтказилди, бу семинарларда лекциялар ўқиш учун партия, касаба союзлари ходимлари, клуб ва кутубхона ишлари мутахассисларини кенг жалб қилиш одат тусига кирди.

Бироқ Бухоро, Сирдарё, Қашқадарё ва Сурхондарё областлари маданий-оқартув муассасаларида махсус тайёргарлиги бўлмаган кўплаб кишилар ишламоқдалар. Сурхондарё области, Ўрта Осиё темир йўллари ва Қорақалпоғистон АССРдаги клуб ходимларининг кўпчилиги ўрта маълумотга эга эмас. Қорақалпоғистон АССР ва Бухоро областларида, шунингдек геология разведка ишлари ишчиларининг касаба союзлари республика комитетида кадрларнинг ишдаги қўнимсизлиги кўпайиб кетган. Маданий-оқартув муассасаларининг фаолияти касаба союз Советлари президиуми ва пленумларида жуда оз муҳокама қилинаётир. Клуб муассасаларининг фаолиятини назорат қилиш етарли даражада эмас.

Узбекистон касаба союзлари республика Совети Президиуми маданий-оқартув муассасаларини малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш ва улар билан ишлашни яхши йўлга қўйиш тўғрисида қарор қабул қилди ҳамда бу вазифаларнинг тўла бажарилишини таъминлашни касаба союзлари Советлари ва комитетларига топширди.

ПЕНСИОНЕРЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Сирдарё области касаба союзлари ташкилотлари корхона, муассаса, ташкилотлар ва социал-таъминот органлари билан ҳамкорликда пенсия учун ҳужжатларни тайёрлашда янги тартиб ўрнатилиши муносабати билан кўпгина тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ҳозир кишиларга пенсия корхона ва муассасалар таклифи билан белгиланаётир.

Кишиларга пенсия белгилашда ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам содир бўлаётир. Областда пенсияга чиқиш вақти яқин қолган ходимларнинг рўйхати ўз вақтида тузилмаётган, иш стажи ва маошлар тўғрисидаги ҳужжатлар яхши сақланмаётган, меҳнат дафтарчалари нотўғри тўлдирилаётган корхона ва ташкилотлар ҳам анчагина. Сирдарё районидаги 1-автоколонна, 2-кўчма механизациялашган колонна, Жиззах даволаш-санитария бирлашмаси, Гулистон шаҳар савдоси, автобус таксомотор парки, область сил касалликлари диспансери каби ташкилот ва муассасаларда пенсия ҳужжатлари кишилар пенсия учун ариза берганларидан сўнг, бир-икки ой ўтказиб тайёрланяпти. Пахтаорол, Фориш, Гулистон ва Ильич районларида пенсия учун тавсияномаларни нотўғри тўлдириш каби воқеалар тез-тез содир бўлаётир. Шунингдек, ишлаётган пенсионерларга пенсия ҳақлари тўлашда ҳам кўпгина камчиликлар рўй беряпти.

Узбекистон касаба союзлари республика Совети секретариати бу камчиликлар касаба союзлари Сирдарё область совети ва комитетларининг кишиларга пенсия белгилаш ва пенсия тўлаш ишига етарли эътибор билан қарамаётганлиги натижасида содир бўляпти, деб топди ва бу муҳим ишдаги тартибсизликларни тугатиш тадбирларини белгилади.

БЎРСИЛДОҚ НОНЛАР КЎПАЯДИ

Кейинги йилларда нон маҳсулотлари саноатида маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва унинг ассортиментини кўпайтириш бўйича кўп ишлар қилинди. Тошкент шаҳрида ҳар суткада 140 тонна нон ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги завод фойдаланишга топширилди. Чирчиқ нон заводида оби нон, булка ва бошқа хил нон маҳсулотлари тайёрлайдигач бешта поток линия ишга туширилди. Қўқон, Наманган, Навоий нон комбинатлари ва Урганч нон заводи касаба союз ташкилотлари маҳсулот сифатини янада яхшилаш учун намунали ишлар қиляптилар.

Узбекистон касаба союзлари республика Совети Президиуми нон маҳсулотлари саноати касаба союз ташкилотлари фаолиятини мўриб чиқар экан, бу соҳада тезда бартараф қилиниши лозим бўлган камчиликлар ҳам борлигини таъкидлади. Масалан, Тошкент шаҳрида 51 хил ўрнига атиги 28-30 хил нон маҳсулотлари тайёрланяпти.

Узбекистон касаба союзлари республика Совети Президиуми нон маҳсулоти саноатида йўл қўйилаётган бу камчиликларни тугатиш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларнинг ассортиментини кўпайтириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш учун тадбирлар белгилади.

СПОРТ ИНШООТЛАРИ ҚУРИЛИШИГА ЭЪТИБОР

Узбекистон касаба союзлари республика Совети Президиуми республикада спорт иншоотлари қурилишининг боришини муҳокама қилди. Спорт иншоотлари қурилиши учун бу йил касаба союзлари бюджетидан 566,8 минг сўм ажратилган. Утган беш ой давомида спорт иншоотлари қурилиши 21,8 процент, лойиҳалаш ишлари плани эса 34,4 процент бажарилди.

Айниқса Нукус шаҳрида «Спартак» кўнгилли спорт жамиятига қарашли стадион, Оққўрғон районидаги «Узбекистон беш йиллиги» совхозида спорт зали қурилиши ва Тошкент шаҳридаги «Буревестник» кўнгилли спорт жамиятига қарашли 4 залли спорт корпусини лойиҳалаштириш кечиктириб юборилмоқда. Нукус шаҳридаги стадион ва Оққўрғон районидаги «Узбекистон беш йиллиги» совхози спорт зали қурилиши бошланганидан бери тўрт йил ўтганига қарамай, пудратчи ташкилотлар — Узбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 166-қурилиш трести ва Тошкент область қишлоқ қурилиши трестининг 64-кўчма механизациялашган колоннаси ҳамон сусткашлик қилмоқда. «Буревестник», «Меҳнат» ва «Спартак» кўнгилли спорт жамиятлари раҳбарларининг эътиборсизлиги натижасида кўпгина спорт иншоотларини лойиҳалаштириш ва қуришда ҳам қатор камчиликлар содир бўлмоқда.

Узбекистон касаба союзлари республика Совети Президиуми спорт иншоотлари қурилишининг ҳозирги суръатини қониқарсиз деб топди ва қурилиш ишларини тезлаштириш тадбирларини белгилаб чиқди.

Терим қизғин боряпти. Етиштирилган «оқ олтин»ни йиғиштириб олишда ҳамма актив қатнашмоқда. Комсомол аъзоси Ш. Ҳудоёрова ҳам теримда пешқадамлар сафида бормоқда. У кўпминг килограммчилар сафига қўшилиб, мавсумда 12 тонна пахтани хирмонга тўкишга аҳд қилган. Суратда: Свердлов районидаги Ҳамза номли колхознинг чевар теримчиси Ш. Худоёрова.

А. Авазов фотоси. (ЎзТАГ).

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

САМОЛЁТЛАР ҚЎНОЛМАДИ

Колхоз агрономи Омон Нуруллаев самолётнинг қорасини кўрса ўзини панага оладиган бўлиб қолди. Яқинда у пахтазор устида айланиб юрган самолётларни кўриб қолди-ю, раиснинг олдига чопди.

— Ёрдам беринг, ўртоқ Жўраев!

— Нима гап, ўртоқ агроном?

— Даламизда самолёт юрибди. Қаерга қўндирамиз.

— Э кўп ҳовлиқманг, қаердан учган бўлса ўша ерга қўнаверади-да...

Дарҳақиқат, Вобкент районидаги Ленин номли колхозда ана шундай кайфият ҳукм сурмоқда. Самолётларнинг қўниш ва учиш жойлари созланмаган, дефолиация қилинадиган участкалар аниқ белгиланмаган. Шунинг учун ҳам колхозда дефолиация ишлари аччиқ ичакдек чўзилиб кетмоқда. Бу йил колхозда 900 гектар ердаги ҳосил машиналар ёрдамида териб олиниши керак. Бироқ колхоз раиси М. Жўраев, партия ташкилотининг секретари А. Ҳамдамов, бош агроном О. Нуруллаев ўртоқларнинг масъулиятсизлиги оқибатида машина теримига ажратилган майдонларни дефолиация қилиш пайсалга солинмоқда.

Шу райондаги қўшни «Пахтакор» колхози далаларида ҳам пахта йиғим-теримига панжа орасидан қаралмоқда. Ўринсиз баҳоналар билан пахта теримини бошлаб юбориш орқага сурилмоқда.

— Пахта теримини қачон бошлайсизлар, — сўраймиз колхоз раиси У. Мирзаевдан.

— Бошлаймиз-да. Пахталар очилаверсин, бир гап бўлар...

Ҳатто бригада бошлиқларидан бири бу саволимизга шундай жавоб қилди:

— Самолётлар дори сепишни бошлаймиз деб безор қилишяпти. Кеча бир тўдасини қайтариб юбордим, тўхтаб турсин, тўйларни ўтказиб олайлик, иш бўлса бир гап бўлар...

Бултур бу хўжаликларда машина терими плани барбод қилинган эди. Ўшанда колхоз раҳбарлари «Эҳ аттанг, келгуси йил машинага алоҳида эътибор бермасак бўлмас экан» деб афсусланишган эди. Бироқ улар ҳозир ўша пушаймонларини унутган кўринишади.

Умуман Вобкент райони колхозларида дефолиация иши пайсалга солинаётир. Районда 8 минг гектар майдондаги гўзанинг барги самолётлар ёрдамида туширишлиги керак. Аммо 6 сентябрга қадар районда атиги 1452 гектар майдонда дефолиация ўтказилган. Бундай хотиржамликни қандай баҳолаш керак? Вобкент пахтазорларида қачонгача самолёт қўнолмаслиги мумкин?

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БЕРУНИЙ — ДОРИШУНОС

Шарқнинг машҳур олими ва мутафаккири Абу Райҳон Беруний Ўзининг кўп қиррали таланти билан доришунослик илмига ҳам улкан ҳисса қўша олди. У шарқда биринчи бўлиб дори-дармонлар ҳақидаги қўлланма-фармакопеяни яратган олимдир.

Олимнинг XI асрда яратган ана шу ўлмас мероси ҳозирги кунда ҳам фармакология ва медицина фанида ўз кучи ва қимматини тўла саклаб қолган.

Беруний фармакопеяси доривор ўсимликлар, минерал моддалар ва ҳайвонот маҳсулотларидан тайёрланган мингга яқин дори-дармонлар йиғиндисини ўз ичига олади, улар ҳақида мукаммал маълумотлар беради. Дори-дармонлар ҳақидаги қўлланма эндиликда чинакамига халқ мулкига айланди. Узбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти илмий ходимлари томонидан олимнинг араб тилидаги қўлёзмаси тикланиб, рус тилига таржима қилинди. Беруний фармакопеяси олимнинг бўлажак 1000 йиллик юбилей тантанаси кунига қадар (1973 йилгача) ўқувчилар қўлига етиб боради.

М. УСМОНОВ,
доришунос.

«ЧЎЛ ЧОРЛАЙДИ»

Бутуниттифоқ Марказий телевидениесининг буюртмаси билан «Узбектелефильм» студиясининг бир группа ходимлари Қарши чўлида қисқа метражли «Чўл чорлайди» деб номланган фильмни суратга олиптилар. Фильмга Г. Ким операторлик қиляпти. Режиссёр — Эркин Аҳмедов. Картина директори Ю. Когтевнинг айтишича, кинооператорлар Қарши магистрал канали трассаларида қурилаётган насос станцияларида, механизаторлар ҳузурида бўлишди. Чўлқуварлар қўли билан бунёд этилган Дўстлик, Толимаржон, «Аврора» посёлкаларида, янгидан қурилаётган 9 ва 11-совхозлар қурилишида бўлдилар ва қизиқарли эпизодларни ленталарга туширдилар.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

НЕКРАСОВ ЎЗБЕКИСТОНДА

«...Унинг шон-шуҳрати абадийдир, рус шоирларининг ичида энг доҳиёна ва олижаноб шоирга Россиянинг меҳр-муҳаббати ҳам абадийдир», — деб Н. А. Некрасовнинг ижодига юқори баҳо берган Н. Г. Чернишевский ҳақ эди. Яқин кунларда бутун дунё прогрессив жамоатчилиги рус классик адабиётининг етук намояндалари бўлмиш — Ф. М. Достоевский ва Н. А. Некрасов юбилейларини тантанали нишонлайди.

Н. А. Некрасов бизга шу боисдан ҳам қадрлики, у — энг аввал улуғ шоир — гражданиндир, реалистик адабиёт учун толмас курашчи, атоқли журналист, ўзининг кўп қиррали ижодиёти билан рус ва жаҳон адабиёти ҳазинасига улкан ҳисса қўша олган санъаткордир.

Шоирнинг асарлари Ўрта Осиё халқларига революциядан аввал ҳам таниш эди. Н. А. Некрасов ҳаётлик вақтидаёқ унинг шеърлар тўплами биринчи Тошкент кутубхонасига етиб келган. (Н. А. Некрасов, шеърлар, 4 қисм. 1869 йил). Демак, Ўрта Осиё халқларининг илғор вакиллари шоирнинг кутубхонамизга етиб келган лирикаси билан таниш ва ундан баҳраманд бўлган. Айниқса, Некрасов шеъриятининг Туркистонга ёйилишида илғор рус зиёлилари томонидан маҳаллий халқ орасида ўтказилган «Халқ ўқишлари» ҳам муҳим роль ўйнаган. Ўша вақтда рус тилини ўрганувчилар учун дарсликлар ёзилган (С. М. Граменицкий «Ўқиш китоби», 1899 йил) эди. Бу дарсликларда Н. А. Некрасов асарларидан ҳам намуналар берилган. Бундай китоблар ўқувчиларни Некрасов ижоди билан таништиришда дастлабки манба сифатида муҳим аҳамият касб этди.

Шоирнинг демократик, ҳаққиқий анъаналари Ўрта Осиё халқларининг илғор вакиллари, яъни маърифатпарвар шоирлар ижодига ҳам таъсир ўтказган. Некрасовнинг исёнкор ғоялари Ўрта Осиёга чор самодержавияси томонидан сургун қилинган илғор зиёлилар воситасида янада кенг тарқалганлиги маълум.

Шарққа сургун қилинган Шевченко ва бошқа илғор рус революцион-демократлари ташаббуслари билан Абай, Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий. Бердах каби ижодкорлар Некрасов шеърлари билан танишиш шарафига муяссар бўлганлар.

Айниқса, Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин Некрасов шеърияти Шарқ халқлари орасида кенг тарқалиш имкониятига эга бўлди.

1928 йилда «Янги Фарғона» газетасида Н. А. Некрасовга бағишланган мақола босилиб чиқди. Мақолада шоирнинг қисқача ҳаёти ва ижодига доир баъзи маълумотлар берилган. Ўзбек китобхонлари ўз она тилларида шоирнинг асарларини 30-йилларда ўқий бошлаганлар. Шу йилларда ёқ Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ва Ўзбекистон Давлат адабиёт нашриёти ташаббуси билан рус классик адабиёти йирик намояндаларининг асарлари таржима қилина бошланган эди. Улар орасида Некрасов асарлари ҳам бор эди. Шоирнинг ўзбек тилида нашр этилган дастлабки тўпламидаги шеърлар 1935 йилда Элбек томонидан таржима қилинган.

1937—1940 йиллардан бошлаб эса, ўзбек тилидаги дарсликларга ҳам Некрасов шеърларидан намуналар киритилди. Шу йилларда Некрасов ҳақида ўзбек ёзувчиларининг яна бир қанча мақолалари яратилиб, уларда ҳусусан шоирнинг ҳаёти ва ижоди кенг ёритиб берилган.

Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек жангчилари рус оғаларидан жанг окопларида Некрасов шеърларини мутолаа қилдилар, улардан руҳий озиқ олдилар. Ватан озодлиги ва бахти учун курашдилар.

1946 йил январь ойида Тошкентда шоир хотирасига бағишланган юбилей кечаси бўлиб ўтди. Докладдан сўнг ўзбек шоирлари устоз асарларидан ўз таржималарини ўқиб беришди. Шу йили Н. А. Некрасовнинг ўзбек тилида яна бир тўплами чоп этилди. Бу тўплам таржимонларнинг Некрасов шеърларига яқинроқ, аниқроқ ёндошганларидан далолат беради. Шеърлар таржимаси юқори савияси билан ажралиб туради ва улар ўзбек поэзиясининг ҳам қимматбаҳо мулки бўлиб қолди.

1950 йиллар Некрасов асарларининг Ўзбекистонда оммалашувида алоҳида босқич бўлди. Ўша йили улуғ шоирнинг вафотига 75 йил тўлган эди. 1953 йилнинг январь ойида шу санага бағишланган адабий кеча ўтказилди. Ўзбек Давлат бадиий адабиёт нашриёти бир неча йил ичида Н. А. Некрасовнинг талай шеърлар тўпламини нашр қилди. 1954 йил болалар учун шеърлар тўплами, 1956 йилда Зулфия таржимасида «Рус аёллари» поэмаси алоҳида китобча бўлиб босилиб чиқди. 1953 йилда Миртемир томонидан таржима қилинган «Русияда ким яхши яшайди?» поэмаси республиканинг адабий ҳаётида йирик воқеа бўлди. Таржимон революцион-демократ шоирнинг ички дунёсини, мақсадини тўғри тасаввур эта олган, поэманинг услуби ва спецификасини сақлай олган. Н. А. Некрасов ижодининг халқимиз орасида янада кенгроқ ва чуқурроқ илдиз отишида 60-йиллар яна бир погона юқори кўтарилиш даври бўлди. Бу йилларда республика матбуоти, радио ва телевидение томонидан Н. А. Некрасов ижодининг муҳим томонлари халқимиз орасида янада кенгроқ пропаганда қилина бошланди. Бу йилларда ўзбек адабиётшунос олимларининг илмий-назарий ишларида Некрасов ижодининг ўзбек совет поэзиясига кўрсатган самарали таъсири далиллар билан исбот этилди.

Бударининг барчаси бир вақтлар Н. Г. Чернишевскийнинг «Энг доҳиёна ва олижаноб шоирга Россиянинг меҳр-муҳаббати абадийдир» деб берган баҳосининг даврсиновларидан ўтганлигини кўрсатади.

М. КОМИЛОВА,
А. Навоий номидаги адабиёт музейи адабий алоқалар бўлимининг илмий ходими.

Н.А. НЕКРАСОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 150 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

«ЎЗБЕКИСТОН» МАТЕРИАЛЛАРИ МУҲОКАМАСИ

МАҲАЛЛА АҲЛИ — ТЎЙ ҲАҚИДА

Яқинда «Совет Ўзбекистони» газетаси саҳифаларида маросимлар, анъаналар, тўйлар, санъаткорнинг бурчи ҳақида, ахлоқ, тарбия, одат ва одоб мавзуида қатор мақолалар эълон қилинди. Бу мақолалар жойларда омма орасида, газетхонлар даврасида кенг муҳокама, мунозараларга сабаб бўлмоқда. Редакцияга кўплаб хат-хабарлар келиб турибди.

Куни кеча Тошкент шаҳар Октябрь райониди «Илғор» маҳалласида худди шу масалага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Қўшни маҳаллалардан, хусусан «Тинчлик», «Октябрь 50 йиллиги», Свердлов номли, Литвинов ҳамда Ҳувайдо номли маҳалла вакиллари ҳам ташриф буюришди.

— Маҳалламиз ҳақиқатан ҳам илғор, — дейди «Илғор» маҳалла комитетининг раиси Ҳошим Алимов. — Бу ерда 1500 хонадон бор. 15 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. 29 миллат вакиллари бир оила аъзоларидек аҳил, иноқ яшайдилар. Маҳалламизни интернационал, дўстлик маҳалласи десак, янгилишмаймиз.

— Ҳошимжон жуда тўғри айтди, — деб гап бошлади маҳалла оқсоқоллари номидан сўз олган Собит ота Юнусов, — Маҳалламизда ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун жон фидо қилади. Буни биз тўй-ҳашамларда, маърака-маросимларда, ҳашарларда яққол кўришимиз мумкин. Биргина мисол. Маҳалламизда ўтадиган тўй маросимларини ҳиқоя қилиб берай. Бизда анчадан бери тўй-тантаналар янгича, замонавий ўтказилади. Тўй қилувчи аввало оқсоқоллар кенгашида маслаҳатлашиб олади. Биз мумкин қадар тўй эгаси толиқиб қолмайдиган йўл қидирамиз, ҳар қанақа исрофгарчилик, бачаналвозлик, қуюшқондан чиқиш, дабдабабозликка рухсат бермаймиз, оқибатда тўйларимиз маромида, чиройли, хушнудлик билан ўтади.

Медицина фанлари кандидати, 1-шаҳар касалхонасининг врачи Зикрилла Эгамбердиев сўз олади:

— Бугунги йиғилишимизда муҳокама қилинаётган масала, дарҳақиқат муҳим, худди шу куннинг масаласидир, — дейди нотиқ. Биз фаровон, тўкин-сочин, маъмурчилик замонида яшаяпмиз. Кексаларимиз роҳат-фароғатда, ёшларимиз ўз бахту иқболидан мамнундирлар. Қандай орзу-ниятқилсак, эришяпмиз. Бахтимизни, шодлигимизни байрам қиляпмиз. Лекин, афсуски, айрим шахслар тўкликка шўхлик қилишяпти, чегарани билмай қўйишяпти, серҳашам тўйлар қилиб катта исрофгарчиликка йўл қўйишяпти, орзу-ҳавас кўраман деб «ким ўзар»га тўй қилиб, жамоатчилик нафратини қўзғашяпти. Улар орият, ҳурмат каби инсоний хислатларни бироз унутиб қўйишаётганга ўхшайди. Шахсан мен гўзал урф-одатларимиз оёқ ости қилинмаса, тўю маросимларимиз одоб чегарасидан чиқмаса, янгиликлар, замонавий урф-одатлар кенг қулоч ёзса, дейман. Ахир, файласуф-дониш Суқрот «Шарм-ҳаё — инсоннинг безаги» деб бежиз айтмаган-ку! Ана шунақа ажойиб анъаналаримизга доғ тушмаса, гард юқмаса дейман.

— Тўй — тарбия воситаларидан бири, — дейди маҳалла хотинқизлар советининг аъзоси, 132-ўрта мактаб ўқитувчиси Муҳаррам опа Тўлаганова. — Тўйда аксарият ёшлар, ўсмирлар, болалар бўлади. Шунинг учун тартиб, қоида, интизом билан иш тутилмаса, тўй шодиёнаси бузилиши мумкин. Ёшлар бор жойда шўхлик бўлади. Шўхлик ўз-ўзидан чиқмайди. Бунга сабаб — ички лик: Дастурхонга қўйилган ичкиликдан танаввул қилиндими, бўлди, жанжал чиқади, тўполон кўтарилади. Шу мажлис баҳона — менинг бирикки теклиф-мулоҳазам бор эди. Аввало, тўйларимиз тартибли, ихчам, чиройли бўлса. Ичкилик масаласида жиддий ўйлаб кўрилса, ортиқча исрофгарчилик қилинмаса, дастурхон танаввул қилинадиган ноз-неъматлар билангина безатилса, ҳар хил эскича расм-русмларга (айниқса аёллар орасида) чек қўйилса.

«Илғор» маҳалласида бўлиб ўтган мазкур йиғилишда кеча ўқитувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Оқилхон Шарафиддинов, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби Юсуф Султонов, Октябрь район халқ маорифи бўлимининг мудири Саидакбар Сайдаҳмедов, кекса педагог, пенсионер Аъзамхон Рустамов, медицина фанлари кандидати, Тошкент Давлат университети химия факультетининг ўқитувчиси Сайфиддин Фахриддинов, Тошкент Давлат педагогика институтининг студенти Шавкат Миркомилов, «Совет Узбекистони» газета редакцияси ходимлари иштирок этишди ва ҳозирги кунда ўтказилаётган тўйларнинг тартиби, ташкилий томонлари, дастурхон безаш, ичкиликка чек қўйишлик, транспортдан фойдаланиш, тўйларда санъаткорларнинг иштироки ва хизмати, болалар тарбияси ҳамда яхши анъаналар, маросимларни давом эттириш каби қатор муҳим масалалар бўйича ўзларининг қимматли фикр ва мулоҳазаларини ўртоқлашишди.

Йиғилиш охирида «Илғор» маҳалласи аҳолиси ҳамда қўшни «Тинчлик», «Октябрь 50 йиллиги», Свердлов номли, Литвинов ҳамда Ҳувайдо номли маҳалла вакиллари иштирокида мурожаатнома қабул қилинди.

А. ЮСУПОВ.

планли равишда ривожлантирмоқ учун марксизм-ленинизм назариясига амал қилиб, миллий даромадни тақсимлашдаги пропорция илмий равишда белгиланади. Барча соҳалар — ишлаб чиқариш ҳамда халқнинг турмуш даражаси, халқаро аҳвол, экономикани ривожлантириш вазифалари ва ҳоказолар назарда тутилади. Беш йилликда саноатда ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришни 41-45 процент, истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришни эса 44-48 процент ошириш кўзда тутилади. Партия XXIV съезди янги беш йилликда халқ истеъмол буюмларини кўпроқ ишлаб чиқариш вазифаларини кўйди. Бунинг билан оғир саноатни ривожлантириш тўхтамайди. Оғир саноатни устун даражада ривожлантириш барча социалистик экономиканинг ўсишига ва тараққий этишига олиб келади.

Янги беш йилликда Узбекистон саноати ҳам тез суръатлар билан юксалади. Унинг ялпи маҳсулоти 46-49 процентга кўпаяди, айниқса электр тармоқлари, рангли металлургия, олтин қазиб чиқариш, химия, газ ва енгил саноат тармоқлари тез юксала боради.

Мамлакатимиз бўйича, шу тарзда аҳолининг реал даромадлари янги беш йилликда янада ортиб, 72 миллиард сўмга кўпаяди. Бу эса ўтган беш йилликдагига нисбатан 33 процент кўпдир. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда реал даромадлар тахминан 30 процент ортади. Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 20-22 процент, колхозчиларники эса 30-35 процентга кўпайтирилади. Беш йиллик мобайнида ишчи ва хизматчиларнинг минимал иш ҳақи ойига 70 сўмгача кўпайтирилади.

Социалистик жамиятимизда ҳар бир кишининг моддий ва маиший эҳтиёжлари учун 350 сўм сарф қилинади. Тўрт кишидан иборат бўлган оилага 1400 сўм сарф қилинади. Ваҳолонки, 1970 йилда 1048 сўм сарф этилган эди. Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи беш йилликда 146-149 сўмга, колхозчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ эса 98 сўмга етади.

Шуни айтиш керакки, ижтимоий фондлардан берилаётган тўловлар айниқса кўп болали оилаларга қулайлик туғдирмоқда. Бола тарбиясига сарф қилинаётган харажатларнинг кўпчилик қисмини давлат ўз зиммасига олмоқда. Бола туғилгунга қадар ва унинг биринчи йили ҳаётида давлат ижтимоий фондидан бола тарбиясига 200 сўм сарф қилмоқда. Болаларнинг яслилар ва боғчалардаги тарбиясига сарфланаётган харажатларнинг бешдан тўрт қисмини давлат тўламоқда. Мактабда эса ҳар бир болага давлат бир йилда 100 сўм сарф қилмоқда. Маълумки, 1970 йили болалар боғчалари ва яслиларида 9,3 миллион бола тарбияланди. Ҳар бир болани боқишга йилига давлат 400-500 сўм сарфламоқда. 1975 йилга бориб, боғчаларда ва яслиларда 11,5 миллион бола тарбияланади. Мамлакатимиз мактабларида 49,4 миллион бола таълим олмоқда.

Ҳозирги кунда биттадан ўқувчиси бўлган оилаларга ижтимоий фонддан йилига 100 сўм сарф қилинмоқда. Махсус ўрта мактабларнинг ўқувчилари учун эса 500 сўм сарфланмоқда. Ўрта билимга эга бўлган техниклар тайёрлашга давлат 2500 сўм, инженерлар тайёрлашга эса 5000 сўм сарфламоқда.

Миллий даромад республикамизда ҳам йил сайин ортиб бормоқда. 1966—1970 йилларда республикамиз миллий даромади 34 процентга ортди. Узбекистонда ижтимоий-истеъмол фондларидан аҳолига бериладиган пул тўловлари эа имтиёзлар 1965 йилдаги 1 миллиард 304 миллион 800 сўмдан, 1970 йилда 2 миллиард 281 миллион сўмга етди. Тўлов ва имтиёзларни аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 126 сўмдан 186 сўмга етди. Янги беш йилликда бу рақамлар янада орта боради.

Мамлакатимиз аҳолисига бепул медицина хизмати кўрсатилиши натижасида ўртача умр кўриш 70 ёшни ташкил этди. Бу кўрсаткич жаҳонда энг юқори кўрсаткичдир. Еки, квартира ҳақини олайлик. Квартира ҳақи совет оиласи бюджетининг ўрта ҳисобда 4-5 процентини ташкил этади, яъни дунёда энг кам квартира ҳақидир. Бу квартира ҳақининг учдан бир қисмининигина ташкил этади. Қолган кўп қисмини эса давлат тўлайди.

Ижтимоий истеъмол фондларидан тўғри фойдаланиш натижасида шаҳар ва қишлоқ аҳолисини пенсия билан таъминлашнинг ягона системаси ишлаб чиқилди. 1971 йилнинг бошида мамлакатимизда 41 миллион пенсионер бор эди. Булар мамлакат аҳолисининг 16,8 процентини ташкил этади. Қарилик пенсияси иш ҳақининг 60 процентини ташкил этмоқда. Ишчи ва хизматчиларнинг қарилик учун олаётган пенсияларининг минимал миқдори 45 сўмга, колхозчиларники эса 20 сўмга етди. 1973 йилдан бошлаб боқувчисидан маҳрум бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига бериладиган пенсиялар ҳам кўпайтирилади. Меҳнат ва уруш ногиронлари пенсияларининг миқдорлари ҳам анча ортади. Оиланинг ҳар бир аъзоси ҳисобига ойига 50 сўмдан ошмайдиган оилалар учун болаларга нафақа бериш жорий этилади. Меҳнат стажидан қатъий назар, ишлаб турган барча хотинларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича 100 процент ҳақ тўланадиган отпуска берилади. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида стипендиялар миқдори оширилади, касалхоналарда ва шаҳар ҳунар-техника ўқув юртларида овқатлантиришга сарфланаётган харажатлар нормаси анча оширилади.

КПСС XXIV съезди томонидан белгиланган ва халқ турмуш даражасини янада оширишга қаратилган бу тадбирларнинг ҳаммаси иш ҳақини ошириш ва ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўловларни кўпайтириш йўли билан амалга оширилади. Бу янги тадбирларни амалга оширишга янги беш йилликда 22 миллиард сўм ажратилган. Съезд ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўловлар ва имтиёзларни 1975 йилда 90 миллиард сўмга етказиш лозим, деб топди.

Коммунистик партия ва Совет давлати КПСС XXIV съездининг халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги кўрсатмасини изчиллик билан амалга оширмоқда. **«Меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишни, — деди ўртоқ Леонид Ильич Брежнев КПСС XXIV съездида қилган докладида. — асосий вазифа сифатида кўяр эканмиз, бу масалага жўн масала деб ёндошиш мумкин эмас, албатта. Халқ фаровонлигини анча юксалтириш йўлини амалга ошириш вақт, жиддий куч-ғайрат, катта маблағ ва ресурслар талаб қилади... Бизнинг бугун қандай яшаётганлигимиз ва эртага қандай яшашимиз — бизнинг ўзимизга, меҳнат борасидаги ютуқларимизга боғлиқдир».**

КПСС XXIV съезди томонидан илгари сурилган ва тўққизинчи беш йилликда амалга оширилиши лозим бўлган бу буюк социал программа социалистик жамиятнинг капитализмга нисбатан буюк афзалликларини бутун дунёга намойиш қилиб кўрсатмоқда.

Мамлакатда миллий даромаднинг ошиб боришининг бирдан-бир манбаи меҳнатидир. Тўққизинчи беш йиллик планда илгари сурилган улуғвор вазифалар меҳнат унумдорлигини ошириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Улкан социал программада уй-жой қурилиши, коммунал хўжалик, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, аҳолига кўрсатиладиган маиший хизматларни кўпайтириш, аҳоли яшайдиган пунктларда коммунал хизмат кўрсатишни яхшилашга катта эътибор бериш, умумий овқатланишни ривожлантириш, аҳолининг озиқ-овқат ва саноат товарларига бўлган талабини қондириш каби қаётий муҳим тадбирлар назарда тутилган. Бу ишларнинг ҳаммаси аҳоли турмуш даражасини ва фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Совет халқи турмушининг моддий ва маданий даражасини бундан буён ҳам янада юксалтириб бориш — партиянинг олий мақсадидир.

Р. НОРЖИГИТОВ,
доцент.

Ўлкамиз ноз—неъматлари

МИРЗАЧЎЛ ДАСТУРХОНИ

Сахий куз сепини ёзди. Мирзачўл далаларида кузнинг ўзгача файзи бор. Пайкалларда ғарқ пишиқчилик, бозорларга ноз-неъмат сиғмайди. Деҳқонларнинг кўли-қўлига тегмайди. Тўкин пишиқчилик шоширяпти, ахир уларни. Шундоқ ҳам деҳқоннинг ташвиши кўп. Республиканинг натта ҳосил ташвиши — 4 миллион 400 минг тоннаник «оқ олтин» хирмони шоширяпти уларни. Пайкаллардаги тўкин пишиқчиликнинг қистови ҳам асосан шу кезга тўғри келди. Деҳқонни вахта ташвишидан бўлак ташвишларга хаёлини бўлмаслик учун нима қилиш керак? Матлубот кооперацияси-нинг ходимлари деҳқонларнинг оғирини енгил қилишга кўмаклашмоқдалар. Район матлубот кооперацияларининг тайёрлов конторалари деҳқонлар билан мустаҳкам алоқа боғлаганлар. Деҳқонлар ўз маҳсулотларини тонна-тонналаб тўппа-тўғри тайёрлов конторалариннинг омборларига топшириб, ҳақларини нақд олиб кетмоқдалар.

Сирдарё область матлубот кооперацияси ходимлари область меҳнаткашларига хизмат кўрсатиш билан бир қаторда узоқ-яқиндаги қардош дўстларни ҳам Мирзачўл дастурхонидан баҳраманд қилмоқдалар. Уч марта Тошкент шаҳрига куз неъматларидан кизил карвон ташкил қилинди. Республика пойтахтининг аҳолисига Мирзачўлдан 4 минг тонна қовун-тарвуз жўнатилди. Мирзачўл ноз-неъматлари бутун мамлакатда машҳур. Яқинда Ватанимиз пойтахти Москвада ўтказилган қовун сайилида ҳам Дўстлик, Мирзачўл, Янгиер, Гулистон, Сирдарё районларининг деҳқонлари ўзлари етиштирган нозу-неъматлар билан қатнашдилар. Мирзачўл қовунига Москвада олқиш айтилди. Сирдарё деҳқонини эндилиқда бутун мамлакат танийди дейиш мумкин. Шундай дейишга асосимиз бор. Йилда ерга ҳали уруғ тушмасдан туриб Совет Иттифоқининг ҳамма бурчакларидан қўриқ ўлкага хатлар ёғилади. Бу хатларда Мирзачўл деҳқонига ташаккур айтилади ва келгуси йил ноз-неъматларидан яна илтимос қилишади. Мана, Кемерово областидан келган хат:

«Ҳурматли сирдарёлик дўстлар! Утган йили сизлардан 10 минг тонна қовун-тарвуз олдик. Мирзачўл қовун-тарвузи бизнинг узоқ юртимизга Узбекистон тупроғи ва қуёшини, энг муҳими ўзбек деҳқонининг оташин меҳрини олиб келди. Сахий қалбингиз ва беқиёс меҳрингиз учун катта раҳмат.

Кемерово область ва шаҳар ижроия комитети».

Бу мактубда ватандош дўстларнинг миннатдор кўнгли, таъзим ва таҳсини сезилиб турибди. Бундай ташаккурдан Мирзачўл деҳқонларининг боши кўкка етиши шубҳасиз. Мана неча йилдирки, Мирзачўл деҳқонларининг Россиянинг узоқ ўлкаларига ноз-неъматлар совға қилиши одат тусига айланиб қолди. Ҳозирга қадар Красноярск ўлкасига 11 минг тонна, Кемерово областига 11 минг тонна, Новосибирскка 7 тонна, Олтой ўлкаси, Сахалин, Магадан, Омск, Томск, Иркутск ва бошқа бир қанча областларга кўп минг тонналаб қовун-тарвуз юборилди. Йил бошида СССРнинг узоқ область ва ўлкаларига 62 минг тонна қовун-тарвуз, 220 тонна узум жўнатиш планлаштирилган бўлса, ҳозиргача дўстлар дастурхонига узатган қовун-тарвузимиз 70 минг тоннадан, узум эса 250 тоннадан ошиб кетди. Биз бу кўрсаткични янада ошириб, жўнатилган қовун-тарвузлар миқдорини 100 минг тоннага, узумни эса, 280 тоннага етказамиз.

Дўстлар дастурхонини безашда Мирзачўл деҳқонлари билан бир қаторда матлубот кооперацияси ходимлари катта жонбозлик кўрсатмоқдалар. Дўстлик (район матлубот жамиятининг раиси Қ. Ражабов), Зомин (тайёрлаш конторасининг бошлиғи Б. Умрзоқов), Янгиер (тайёрлаш конторасининг бошлиғи В. Даллиев), Пахтакор (район матлубот жамияти раиси Ш. Обидов) районлари қовун-тарвуз тайёрлаш планларини 150-200 процент бажарди. Бу районларда ҳозир қардоқлар диёрига турли хил ноз-неъматлар билан бирга кўпминг тонналаб пиёз жўнатишга тайёрланмоқдамиз.

Область матлубот жамияти кооператорлари шаҳримиз ва қишлоқларимиз меҳнаткашларини ҳам ноз-неъматлар билан қишу-ёз узлуксиз таъминлашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Жиззах районида 500 тонна мева-чева сақланадиган музхонали омбор қурилиб фойдаланишга топширилди. Энди район меҳнаткашлари қишда ҳам узумни ишкомдан узиб чиқандек, олмани янгигина боғдан тергандек ҳузур қилиб истеъмол қилишади. Жиззах шаҳрида мавсумда 100 тонна мевани қайта ишлайдиган консерва заводи ҳам қуриляпти. Сирдарё ва Гулистон районларида ҳам 500 тоннадан, Зомин районида 300 тонна, Янгиер районида 200 тонна мева-чева сақланадиган музхонали омборлар ишлаб турибди. Куз неъматларини сақлайдиган улкан иншоот — Гулистон шаҳрида қурилмоқда. Яқин йилларда ишга тушадиган бу комбинатда 5 минг тонна мева-чева сақлаш ва қайта ишлаш мумкин бўлади.

Қ. НЕЪМАТОВ,
Сирдарё область матлубот жамияти правлениесининг раиси.

Ташқи мамлакатларда

ОҚИЛОНА СИЁСАТ

БЕРЛИН. (ТАСС). Ғарбий Берлинга тааллуқли масалалар юзасидан тўрт томонлама битим имзоланганлиги муносабати билан Германия Демократик Республикаси давлат кенгашининг раиси В. Ульбрихт АДН агентлиги мухбири билан суҳбатда айтди, Германия Демократик Республикасининг давлат кенгаши Ғарбий Берлинга доир тўрт томонлама битим имзоланганлигини тўла-тўкис ва батамом маъқуллайди. Бу битим катта халқаро аҳамиятга эга зўр воқеа бўлди, мустаҳкам тинчлик орзусида бўлган, ақл-идрок билан реал ҳолатга амал қилувчи кишиларнинг ҳаммаси учун улкан муваффақият бўлди.

В. Ульбрихт Совет Иттифоқининг алоҳида ролини ва тарихий хизматини қайд қилиб, «СССРнинг ленинизм ғоялари руҳи билан суғорилган ва турли иҳтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашини таъминлашга қаратилган қатъий йўли яна жуда катта натижа берди» деди. Совет Иттифоқининг сиёсати, деди В. Ульбрихт, ҳамиша барча халқларнинг манфаатларига мувофиқ хавфсизликка ва мустаҳкам тинчликка эришишга қаратилган сиёсат бўлиб келмоқда. Совет Иттифоқининг ва Варшава Шартномасида қатнашаётган бошқа давлатларнинг, шу жумладан, Германия Демократик Республикасининг ҳам мана шу сиёсати туфайли вужудга келтирилган шарт-шароит Ғарбий Берлин масаласи каби мураккаб масалада ҳозирги кунда муҳим натижани қўлга киритишга олиб келди.

В. Ульбрихт, Германия Демократик Республикасининг аҳолиси тўрт давлатнинг Ғарбий Берлинга доир битимини табриклайди, деди.

Сўнгра Германия Демократик Республикаси давлат кенгашининг раиси айтдики, урушдан кейинги йилларда Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси Европада тинчлик, хавфсизлик масаласини ва кескинликни юмшатиш масаласини ҳал қилишга эришмоқ учун турли чора ва тадбирлар кўрдилар. Германия Демократик Республикаси ўзининг сиёсатини Совет Иттифоқи ҳамда Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа давлатлар билан келишиб ва мувофиқлаштириб бу ҳаракатга ижобий ҳисса қўшди.

Тўрт давлатнинг Ғарбий Берлинга доир тўрт томонлама битими, деди В. Ульбрихт Европа хавфсизлигини таъминлаш йўлида янги қадамлар қўйишга имкон беради. Шуларнинг бири, аввало СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида, шунингдек, Польша Халқ Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида тузилган Шартномаларни ратификация қилишдан иборат бўлиши лозим.

«Биз, деди В. Ульбрихт, СССР билан қардошлик иттифоқини мустаҳкамлаб ва Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар коллектив бўлиб ишлаб чиққан программага мувофиқ бундан буён ҳам тинчлик ва Европа хавфсизлиги учун курашни актив давом эттиравермиз. Германия Бирлашган Социалистик партияси VIII съездининг бош йўлига мувофиқ социалистик Германия Демократик Республикасини хар томонлама мустаҳкамлаш бунинг учун аввалгидек негиз бўлиб қолаверади. Бу бош йўлни амалга оширмоқ учун партиямиз ва халқимиз ўзларининг бутун кучларини сарфлайдилар».



Ольстерга инглиз қўшинларининг янги-янги қисмлари келтирилмоқда. Шимолий Ирландияда уларнинг сони 13 минг нишига етди. Бироқ шафқатсиз репрессиялар маҳаллий аҳолининг иродасини буколма япти, жуда кўп Шимолий Ирландия шаҳарларида гражданлик ҳуқуқи учун жанглар тўхтовсиз боряпти. Суратда: Лондондорда ташвишли тун.

ПРЕСС—ТАСС фото камераси.

ПРОБЛЕМАЛАР ҲАЛ БЎЛМАЙ ҚОЛДИ

ЛОНДОН, 7 сентябрь. (ТАСС). Англия Бош министри Хит билан Ирландия Бош Министри Линч ўртасида олиб борилган икки кунлик музокара тугади. Улар Ольстер проблемаларини ҳал қилиш тўғрисида бир фикрга келолмадилар.

Ирландия элчихонасида ўтказилган матбуот конференциясида Линч гапириб, Англия ҳукумати Ольстердаги ғалаёнларни ҳарбий куч билан бостиришни давом эттириш ниятида эканлигини Хит музокараларда яна бир марта айтиб ўтди, деди.

Тангликни сиёсий бартараф қилиш тўғрисида, жумладан Ольстер аҳолисининг сиёсий масалалари ва диний эътиқодларидан қатъий назар, уларнинг ҳаммасига тенг ҳуқуқлар бериш тўғрисида, социал камситишни тугатиш тўғрисида, Ирландиянинг иккала қисмини тинч қайта бирлаштириш тўғрисида, Ольстер билан Ирландия ўртасидаги чегарада бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кузатувчи постларини жойлаштириб қўйиш тўғрисида Линч қилган таклифларни Хит рад этди.

СОВЕТ КИШИСИ ЧЕТ ЭЛДА

МЕҲРИБОН ДОКТОР

Ғарбий Африкада бўлган киши баҳор пайтларида бу ерда саёҳатга чиқиш қанчалар машаққатли эканлигини билади. Кун иссиқ, ташналар бўлиб кетасан, киши. Машинада бир неча соат юриб сайр этганимиздан сўнг ниҳоят Мали область шаҳарларидан бири — Кая шаҳрига келдик. Қани энди шу пайтда икки ютум музденкина сув бўлса-ю, ичиб бирор ўн минут ётиб ҳордиқ чиқариб олсанг. Малилик шофер Ласана худди бизларнинг фикримизни билгандай деди:

— Ҳозир ўнгга қайилганимизда муюлишда госпиталь бор. У ерда доктор Слава деган кишидан муздеккина сув ҳам топилади, бирор дақиқа дам олишимиз мумкин.

— Доктор Слава? — дея сўрадик.

— Слава деган докторни танимайсизларми? деди ҳайрон бўлиб Ласана ва ўзи изоҳ бера бошлади. Ахир у русларингиз, Совет Иттифоқидан келган. Уни ҳамма малиликлар таниши, деди Ласана кулиб.

Шундай қилиб бизлар совет врачи рентгенолог Вячеслав Прохорович Калашников билан гойибона танишиб ҳам олдик. У энди ривожланиб келаётган ёш Мали республикасига соғлиқни сақлаш системасини йўлга қўйиб олишида ёрдамлашиш учун келган кўнгиллилардан бири.

Калашников 36 ёшда, лекин ёш бўлса-да кўпгина ишлар қилиб қўйган, район касалхонаси участка врачлигидан областнинг бош радиологи даражасигача кўтарилди. У новчадан келган, қотмагина, юз-кўзлари ҳамиша кулиб туради. У малилик ҳамкасабаларининг иши тўғрисида илиқ ва ажойиб гапларни ҳикоя қилиб берди.

Бир куни шундай бўлди. Каядан етти километр нарида заповедник бор. У ердан ўн уч ёшлардаги малилик болани олиб келишди, унинг қорнини шер тирнаб олганмиш, — дейишди. Бу «тирналган» қорнини кўрсангиз эди, госпиталнинг бош врачи хирург Муҳаммад Сумаре шундай тикиб қўйди-ки, кўриб ҳайрон қолардингиз. Ёки яна бир бошқа воқеа. Темир йўл ҳалокатига узраб қаттиқ яраланган бир йўловчини олиб келишди. Ҳалокат пайтида унинг ўпкаси билан юраги қаттиқ шикастланибди. Дарҳол операция қилиш талаб этилди. Хирурглар Сумаре билан Дембеле биргалашиб уни муваффақиятли равишда операция қилдилар. Йўловчининг ҳаёти сақлаб қолинди.

Вячеслав Прохорович ўзи ҳақида эса кам гапирарди:

— Иқлимига мослашиб кетдимми дейман ишлаб турибман. Ўзим Симферополданман. У пешанасидаги терини артиб гапида давом этди. Бизларнинг Криминэда ҳам кун иссиқ бўлади, лекин бу ердагига қараганда салқинроқ. Малининг сол-салкин жойлардаги иссиқлик ҳарорати 52 даражагача кўтарилади...

Эшик аста-секин тақиллаб қолди: «Кечирасизлар, доктор Слава керак эди!» — деди ташқаридан. Калашников бизлардан узр сўраб чиқиб кетди. Беморларни қабул қилиш вақти-соати аллақачонлар тамом бўлган, эҳтимол бирор кимсани эзгулик билан қабул қилиш керак бўлиб қолгандир, дея ўйладик.

Бироқ маълум бўлишича спортчилар келишган экан. Вячеслав Калашников тропикнинг шундай иссиқ кунларига қарамасдан маҳаллий баскетбол командасини навбатдаги мусобақага тайёрлаётган экан, у бу командага тренерлик қилар экан. Калашников ўн етти ёшидан буён баскетбол бўйича спорт мастери. Украиннинг терма командасида ўйнаган. Ҳуллас баскетбол сирларини энди ўргатаётган малиликлар Калашниковдан анча нарсаларни ўрганиб олишлари мумкин.

— Кая госпиталида, — дея бизга ҳикоя қилиб берди учрашувда губернатор капитан Данфага.—иккита совет врачлари: рентгенолог В. П. Калашников билан хирург Ю. М. Полоус ишлашади. Булар икки киши бўлишига қарамасдан ўзимизда медик кадрлар тайёрлаб етказишда бизларга жуда катта ёрдам бермоқдалар. Улар ўз билимлари ва тажрибаларини малилик медикларга қунт билан ўргатмоқдалар. Совет Иттифоқида ўқиб келиб уларнинг қўл остида иш олиб бораётган малилик ёш медиклар кўпгина нарсаларни ўрганиб олдилар.

— Радиологнинг иши бундай қараганда оддий кўринади, лекин ҳамма гап шунга боғлиқ,—дейди доктор Камыра Сибири.—Слава ўзининг икки йиллик иш фаолиятида Кая госпиталида унинг қўйган диагнози нотўғри чиққан пайтлари сира бўлмаган. У қўйган ва аниқлаган диагнозлар тўғри чиққаплиги унинг тиббиёт сирларини чуқур ўрганганлигидан далолат беради.

...Калашников билан иккинчи учрашувимиз яқинда — шу йилнинг август ойида Бамакода бўлди. У ўша пайтларда отпускаси тугаб Ватанидан энди қайтиб келган экан. У республика пойтахтидан ўн беш километр наридаги Кати шаҳридаги госпиталга ишга тайинланибди.

Машинамиз Бамаконичг тор кўчалари бўйлаб секин юриб борарди. Светофор ёнида мотоцикл минган киши машинамиз олдида тўхтаб:

— Доктор Слава! Салом! Ишларингиз қалай? — деди.

— А, ҳа Сисоко! Салом! Оёғинг қалай? Оғриқлари колдими?

— Ҳа, ҳаммаси жойида доктор! Рахмат Сизга!

Ю. ВЕРЕШАГИН.
(АПН).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ВАШИНГТОН, 7 сентябрь. (ТАСС). Жанубий Вьетнам қўғирчоқларининг қўшинлари Америка авиациясининг кучли мададига таяниб, Лаос территориясига яна бостириб кирди. Шу йилнинг февраль—март ойидан бери ўтказилган операцияларнинг каттаси бўлган бу ҳарбий операцияда Сайгон режимининг 20 минг нафардан кўпроқ солдати қатнашмоқда. «Вашингтон пост» газетаси ёзишича қараганда, «Америка вертолетлари ва бронемашиналарининг катта тўдаси бу солдатларни чегарадан 8 миля нарига элтиб қўйди. Бостириб кириш операцияси Кхесань базасидан бошланди.

Қўшма Штатларнинг қўшинлари бу операциянинг орқа томонидан хам мадад бериб турдилар. АҚШ 101-хаводесант дивизиясининг 2 минг нафарга яқин солдатлари Жанубий Вьетнам ҳарбий базаларига келтириб қўйилганидан кейин бу базадаги қўғирчоқ солдатлар жанг ҳаракатларида қатнаштириш учун олиб кетилди.

* * *

БОННН, 7 сентябрь. Кеча бу ерда Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети ҳузуридаги статс-секретарь М. Коль билан Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери маҳкамасининг статс-секретари Э. Бар учрашдилар.

Музокараларни 9 сентябрда Берлинда давом эттириш тўғрисида келишиб олинди.

ҲИНДИ—ХИТОЙ ФРОНТЛАРИДА

ХАНОЙ, 8 сентябрь. (ТАСС). Халқ озодлик қуролли кучлари шу йилнинг 15 майдан 5 августигача ўтган вақт мобайнида, дастлабки маълумотларга кўра, Уминь ўрмони районида душманнинг 3 мингга яқин солдат ва офицерини сафдан чиқарганлар. Шу вақт ичида, деб хабар беради Озодлик матбуот агентлиги, ватанпарварлар 40 га яқин вертолёт ва самолётни уриб туширганлар ва шикаст етказганлар. 30 та ҳарбий кемани чўктириб юборганлар, кўп миқдорда асбоб-анжом ва қурол-яроғни ўлжа олганлар.

КХМЕР информация агентлигининг хабар беришича Камбоджа миллий-озодлик армияси жангчилари 25 август кечаси ўтказган операциялари натижасида душманнинг 150 солдат ва офицери сафдан чиқарилган ва асир олинган.

Редактор М. ҚОРИЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА, 19.00 — ТОШКЕНТ, 19.05 — **Рус тилида:** «АХБОРОТ». 19.15 — **Узбек тилида:** «Диққат газ!» 19.30 — М. Левиев «Сухайл ва Меҳри» 21.30 — КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга! «Юксалиш программаси», 21.55 — Кўрсатувлар программаси, 22.00 — МОСКВА. 22.30 — Футбол. «СПАРТАК» (Москва) — ЦСКА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.50 — Тошкент, 17.55 —Болалар учун кинофильм (рус тилида), 18.20 — Спорт янгиликлари, 19.00 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ, **Узбек тилида:** «Ягона оилада», 22.15 — «Мерседес» муаммоси» (бадиий фильм ўзбек тилида).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — Классик музика саҳифалари, 20.40 — «Тўлқинда — 0,2» (ўзбек тилида), 21.10 — Реклама, 21.20 — «Бир кеча» (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИда — 10/IX да **Сухайл ва Меҳри**, 11/IX да **Трубадур**, 12/IX да **Ерил тош** (премьера, кундузи) **Дон Кихот** (кечқурун).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Музланган — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛИГИ» (жуфт соатларда), «ЧАЙКА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (тоқ соатларда).

Учинчи қиз (кундуз соат 1,5, кеч 8.45 ва 10.30 минутларда), **Эгер юлдузлари** (кундуз соат 2.30, кеч 6.30 минутларда) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ».

Сангам (3 серия, ўзбек тилида) — НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз соат 12,4 ва кеч 8 да).

Журъатли хоним — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 2, кеч 6 ва 8 да), «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Қора Лола (кундуз соат 2, 4, кеч 9.45 минутда). **Уғирланган** (тоқ соатларда) — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ».

Хотининнинг номуси — «КЎКЧА» (тоқ соатларда).

Етти ога-инни Червинлар — ҲАМЗА НОМЛИ (тоқ соатларда).

Кўршапалаклар уясида—«ВОСТОК» (эрталаб соат 10, кундуз 1, 4, кеч 7 ва 9.45 минутда).

Ҳалокат қалъаси — «МОСКВА» (кеч соат 9.20 минутда).

ЕЗГИ БИНОДА

Журъатли хоним «ФЕСТИВАЛЬ».

Музланган — «ХИВА».

Кинофильмлар прокати бўйича Тошкент область конторасиси

13 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ

САНЪАТ САРОЙИДА

«ЎН ИККИ СТУЛ»

(2 СЕРИЯ)

ЯНГИ, РАНГЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ

НАМОЙИШ ҚИЛАДИ

«МОСФИЛЬМ» киностудияси махсулоти.

ФИЛЬМДА таниқли кинокомедия усталари: Э. ГАРИН, С. ФИЛИПОВ, М. ПУГОВКИН, В. В. ЭТУШ, Ю. НИКУЛИН, Г. ВИЦИН, Р. ЗЕЛЕНАЯ, С. КРАМАРОВлар қатнашадилар.

ОСТАП БЕНДЕР ролини — АРЧИЛ ГОМИАШВИЛИ ижро этган.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26, Редактор —336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка —337343. Корректура—337162. Эълонлар—338142. Коммутатор—330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз — 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44. Гулистон — 22-09

А. — 209. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС — 64697. Р. 02811.